БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 250 (481)

18 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Кобилда бўлиши (1-нчи бет).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганиннинг 16 декабрьда Кобилда бўлган зиёфатда сўзлаган нутқи (1-нчи бет).

Афғонистон Бош министри Муҳаммад Довуднинг 16 декабрьда Кобилдаги зиёфатда сўзлаган нутқи (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Ленинградга келди (1-нчи бет).

Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Нерунинг Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевга мактуби (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Ш. Султонов. — Пахтачиликда прогрессив усуллар кенг қўлланилсин (2-нчи бет).

А. Исеев .— Социалистик индустриялаштириш с'езди (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқ! Давлатга қўшимча пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятингни бажар, ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилма! Х. Тўраев, А. Каримов. — Чинакам пойгада қоқилганлар... (3-нчи бет).

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ: Т. Мирзаев. — Одамнинг узоқ умр кўриши (3-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Афғонистонга келганликлари тўғрисида афғон газеталарининг ёзганлари (4-нчи бет).

Ўзбек музика маданиятини янада ривожлантирайлик

Ўзбекистон совет композиторларининг иккинчи с'езди ўз ишини тамомлади. С'езд республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқиа бўлди, ўзбек совет музика маданияти катта муваффақиятларга эришганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Шу билан бирга с'езд ўзбек музика маданияти соҳасидаги камчилик ва хаталарни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташлади, шаклан миллий ва мазмунан социалистик музика маданиятимизнинг ривожланиш перспективаларини кўрсатиб берди.

Коммунистик партиянинг доно ленинчасталинча миллий сиёсати туфайли, улуг рус халқининг оғаларча берган ёрдами натижасида ўзбек музика маданияти ҳартарафлама ривожланди. Республикамизда музиканинг олий формалари ва жанрлари рус классик ва совет халқлари сан'ати билан ма'навий алоқада вужудга келди ва ривожланмоқда. Ўзбек опера ва балети, симфоник ва камер музикаси вужудга келди, кўп овозли хор яратилди, халқ музикаси кенг ривожланди, янги оммавий қўшиқлар пайдо бўлди. Талантли композиторлар ва музикашунослар етишиб чиқди. Р. Глиэр, А. Козловский, М. Ашрафий, Т. Содиқов, Т. Жалилов, С. Юдаков, М. Левиев, Бровцин, ёш композиторлар ва музикашунослар: М. Бурҳонов, Д. Соатқулов, С. Бобоев, И. Акбаров, Ғ. Қодиров, А. Муҳамедов ва бошқалар ўзбек музика маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Совет халқининг маданий талаблари ва бадиий завқ савияси ғоят ўсиб бормоқда. Коммунизм ижодкори бўлган қаҳрамон халқимиз совет композиторларидан барча жанрларда — опера, симфоник музика соҳасида, ашула ижодиётида, хор ва рақс музикасида юксак ғояли асарлар кутмоқда. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, композиторларимиз томонидан яратилган ба'зибир музикалар партия, ҳукуматимиз ва халқимизнинг композиторлар олдига қўйган юксак талаблари даражасида эмас, ўзбек совет музикаси ва музика танқидчилигининг ўсиш даражаси ҳам қаётдан, совет кишисининг ўсиб бораётган ма'навий талабидан анча орқада қолмоқда. Ба'зибир композиторларимиз халқимизнинг дид ва истакларига ёқмайдиган нурсиз, ғоясиз асарлар ҳам яратмоқдаларки, бунга тоқат қилиб туриш мумкин эмас. Шунингдек, опера, симфония ва оммавий қўшиқлар каби халқ севадиган музика жанрлари айниқса орқада қолмоқда. Бунга сабаб композиторларимизнинг ўз устларида қунт билан ишламаётганликлари, халқ ижодиётининг бой манба'ларидан етарли фойдаланмаётганликларидир.

Ўзбекистон совет композиторлари союзи композиторларнинг ижодий кучларига етарли раҳбарлик қилмаётир, ёш композиторларнинг ғоявий савиясини ва маҳоратини ошириш билан кам шуғулланмоқда. Союз ишидаги муҳим камчилик шундаки, союзда танқид ва ўз-ўзини танқид бўшашиб кетган. Янги асарлар муҳокама қилинганда авторлар олдига юксак талаблар қўйилмайди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ўзбек музика танқидчилиги халқ фикрини, жамоатчилик фикрини композиторларга етказмаётир. Ба'зи музика танқидчилари принципиаль об'ектив танқид ўрнига, ошна-оғайнигарчилик алоқалари андишасига бориб, айрим музика лидерларига лаганбардорлик ва хушомадгўйлик қилиб, уларнинг ижодиётини зўр бериб мақтайдиган бўлиб қолдилар. Бундай аҳвол ўзбек музика маданиятининг юксалишига халақит беради. Ўзбекистон сан'атшунослик институти, Тошкент консерваториясининг музика тарихи ва назарияси кафедраси бўлса музика танқидчилиги соҳасида старли иш олиб бормаётир, ўзбек совет музикасининг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқмаётир.

Ўзбек халқи ўз композиторларидан коммунистик қурилиш соҳасидаги муваффақиятларимизни акс этдиручи илҳомбахш асарлар, бадиий ва ғоявий жиҳатдан юксак савиядаги асарлар кутади. Шуни унутмаслик керакки, композиторлар яратган музикага баҳо беручи халқдир. Музика халқ истаклари ва орзуларини, интилишларини ўзида акс этдиргандагина меҳнаткашлар уни севиб эшитадилар, ма'навий озуқа ва бадиий завқ оладилар.

Улуг Ленин, сан'ат халқниқидир, у ўзининг чуқур томирлари билан кенг меҳнаткашлар оммасининг ора-орасига кириб бориши, шу омма тушунадиган ва севадиган бўлиши керак, деган эди. Композиторларимиз улуг йўлбошчимиз В. И. Ленин кўрсатмаларини унутмасликлари, халқимиз дидига, истакларига муносиб келадиган, меҳнаткашларнинг қаҳрамонона меҳнати, коммунистик жамият қуришга бўлган буюк истакларини акс этдиручи опералар, балетлар, симфониялар, кантаталар, янги оммавий қўшиқлар яратишлари керак.

Классик мероснинг, айниқса рус музика мактаби традицияларининг катта прогрессив ролини кенг пропаганда қилиш, мана шу бой мероздан фойдаланиш ва уни янада ривожлантириш зарур. Музикада чуқур мазмундорликни музика формасининг бадиий мукаммаллиги билан боғлаб олиб боришга, музиканинг ҳаққонийлиги ва реалистиклигига, унинг халқ билан ҳамда халқнинг музика ва ашула ижодиёти билан чуқур узвий боғланишига, содда ва тушунарли бўлган музика асарларининг юксак сан'атига асосланган реалистик йўналишни совет музикасида янада ривожлантириш — композиторларнинг энг муҳим ва асосий вазифасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон совет композиторларининг иккинчи с'ездига юборган табригида композиторлар ва музикашунослар олдига ўзбек музика маданиятини янада ривожлантириш соҳасида катта вазифалар қўйдилар.

«Ўзбекистон совет композиторлари, — дейилади табрикда, — социалистик реализм ижодий методига амал қилиб, халқ ва классик меросниг энг яхши традицияларига маҳкам таяниб, кўпмиллатли социалистик музика маданиятининг ривожланишидаги тажрибадан фойдаланиб, улуг социалистик давримизга муносиб асарлар яратиш устида қунт ва сабот билан иш олиб боришлари, буржуа идеологиясининг ҳарқандай кўринишига қарши, музика маданиятимизни кўпмиллатли совет халқи ҳаётидан, Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг актуал масалаларидан четга буриш учун қилинган ҳарқандай уринишларга қарши, музикадаги эстетизм ва формализм тенденцияларига қарши кескин кураш олиб боришлари керак».

Композиторлар ўзларининг юксак бадиий асарлари билан меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида, дўстлик ва пролетар интернационализм руҳида тарбиялашда Коммунистик партияга ёрдам берсинлар.

Ўзбекистон совет композиторлари союзи композиторлар, музикашунослар, танқидчилар ва бошқа ижодий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ижодий ҳамкорлик ўрнатиш мактаби бўлиши керак. Союз музика сан'атининг ғоявий ўткирлигига, композиторлар ва музикашуносларнинг ғоявий тарбиясига, профессионал маҳоратини оширишга, янги ёш талантларни етиштириш ва ўстиришга жиддий э'тибор бериши керак. Шунингдек, союз композиторлар ва музикашуносларга марксизм-ленинизмнинг ижодий революцион назариясини эгаллашларига яқиндан ёрдам бериши зарур. Чунки, марксча-ленинча революцион назарияни ижодий ўрганиш композиторларимизга, музикашуносларимизга маъмундор ҳаётимизни, жуда мураккаб бўлган воқиликни ҳам тўла тушуниш ҳамда совет халқининг музика ижодиёти олдига қўйётган юксак талабларини янада чуқур тушуниш имкониятини беради.

Ўзбекистон совет композиторлари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамият барпо этаётган қаҳрамон халқимизнинг фикр ва туйғуларини ифодалайдиган, давримизнинг юксак талабларига жавоб берадиган асарлар яратадилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Ленинградга келди

ЛЕНИНГРАД, 16 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов бугун Ленинградга келди.

К. Е. Ворошилов куннинг биринчи ярмида В. И. Ленин номли Ленинград метрополитенининг бутун трассаси бўйлаб сайр қилди, метрополитеннинг ерости залларини ва ерусти вестибюльларини тамоша қилди. К. Е. Ворошилов қурилишнинг қандай геологик шароитда олиб борилганлиги билан, тоннельлар қазишдаги янги техника билан, станцияларнинг архитектура жиҳатидан безатилиши ва ёритилиши билан муфассал қизиқди. Ленинград метро қурилишининг бошлиғи К. А. Кузнецов ва В. И. Ленин номидаги Ленинград метрополитенининг бошлиғи И. С. Новиков изоҳат бериб турдилар.

К. Е. Ворошилов «Автово» станциясидан Киров заводига қараб йўл олди. Бу завод коллективи уни СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган эди. К. Е. Ворошилов завод цехларида бўлди ва ишчилар билан, жумладан ишлабчиқариш новаторлари Карасев ҳамда Савич ўртоқлар билан суҳбатлашди.

КПСС область комитетининг биринчи секретари Ф. Р. Козлов, КПСС область комитети секретари Д. Д. Брежнев, КПСС шаҳар комитетининг секретари И. К. Замчевский, Ленинград Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов ва бошқалар К. Е. Ворошиловга ҳамроҳ бўлдилар.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевга мактуби

Мамлакатимиз чегараларидан ўтиб кетаётган чоғингизда менга юборган мактубингиз учун Сизлардан ғоят миннатдорман. Сизларнинг Ҳиндистонга қилган сафарингиз халқимизнинг ақли ва дилида сўнмас таассурот қолдиради тарихий воқиа бўлди. Сизлар бу ерда бўлган қисқа вақт ичидаСизлар билан яқин алоқада бўлган ҳаммамизни Сизларнинг жўнаб кетишингиз маюслантирди. Лекин, умид қиламизки, бизнинг шахсий дўстлигимиз ҳам, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ҳам янада кучаяди ҳамда бутун дун'ёда тинчлик ва ҳамкорликнинг улуг иши учун зўр самаралар беради.

Мен халқим номидан ва шахсан ўз номимдан Сизларга энг яхши тилаклар йўллайман.

Жавоҳарлал Неру.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Кобилда бўлиши

КОБИЛ, 16 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кобилда кечадан бошлаб ҳаво очилиб кетди. Шаҳар атрофидаги қорли тоғ чўққилари қуёш нурлари остида порлаб турибди. Шаҳарда Шарққа хос кўҳна кўчалар билан бирқаторда асфальт ётқизилган янги аллеялар ва проспектлар кўзга ташланади. Бу кўча ва проспектлар бўйлаб янги икки қаватли ва учқаватли бинолар қурилмоқда.

Бугун Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар шаҳарнинг янги қисмида жойлашган Кобил тарих музейини бориб кўрдилар. Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Ғулом Ях'ё Тарзий меҳмонларга ҳамроҳ бўлди. Музей биноси олдида уларни Афғонистон Маориф министри Абдул Мажид ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Афғонистон Тарих жамиятининг раиси профессор Аҳмад Кохзод музейни тамоша қилиш вақтида изоҳлар бериб турди.

1918 йилда ташкил этилган Кобил музейи ҳозирги биносига 1931 йилда кўчирилган эди. Бачаи-Саққонинг реакцион қўзғолони даврида (1928 йилда) талон-тарож қилинган музей коллекциялари 1931 йилдан бери ҳукуматнинг куч-райрати натижасида анча тикланди. Музей коллекциялари кейинроқ кўп миқдорда олинган қадимий ёдгорликлар ҳисобига бойиди. Совет меҳмонларига Жалолобод районининг Ҳадда деган жойида олиб борилган қазиш ишлари вақтида топилган будда-эллинистик сан'ат ёдгорликларининг ажойиб тўплами, эрамизнинг IV—Vасрларига оид деворга солинадиган рангли рассомлик намуналари, бутпарастларнинг Бамиянда топилган ёғоч скульптуралари, миниатюра ва қўлёзмалар, шунингдек Афғонистон тарихининг ислом даврига оид уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечак ва қурол-яроғлар кўрсатилди. Правардида, меҳмонлар Кобил музейининг машҳур нумизматика коллекциясини тамоша қилдилар. Бу коллекцияда македонияли Искандарнинг Осиёга қилган юришларидан буён чиққан чақа ва танга пуллар тўпланган.

Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд шу куни кечқурун Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг ҳамроҳлари, Афғонистон ҳукуматининг а'золари, Халқ кенгаши ва сенат раислари, Кобилдаги четэл элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари, СССРнинг Афғонистондаги элчиси ҳамда Афғонистоннинг СССРдаги элчиси ҳозир бўлдилар. Кечроқ Афғонистон Ташқи ишлар министри Муҳаммад Наим ташқи ишлар министрлигида совет меҳмонлари шарафига қатта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида расмий кишилардан ташқари яна афғон жамоатчилигининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг

16 декабрьда Кобилдаги зиёфатда сўзлаган нутқи

Сиз Бош Министр жаноб олийлари!

Жаноблар!

Биз, Афғонистон Король ҳукуматига Совет Иттифоқига дўст бўлган Афғонистонни келиб кўришни таклиф қилганингиз учун, бизни самимият билан ва меҳмондўстлик билан қабул қилиб олганлигингиз учун ташаккур билдирамиз.

Совет Иттифоқи билан Афғонистоннинг кўп йиллик дўстлиги Совет давлати ва мустақил Афғонистон пайдо бўлган пайтдан бери ўтган даврнинг ҳаммасидаги синовларга бардош берди. Бу дўстлик ўз тараққиётининг бутун босқичларида мустаҳкамланиб борди, бу эса, Афғонистоннинг манфаатларига ҳам, Совет Иттифоқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушди. Эндиликда биз мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар мавжудлигини ғоят мамнуният билан қайд қилишимиз мумкин.

1921 йил 2 февральдаги Совет-Афғон шартномаси ва бетарафлик ҳамда бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида 1931 йил 24 июньда тузилган Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишида катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг муносабатларимиз бир-биримизга манфаатли иқтисодий ҳамкорлик негизига ҳам асосланмоқда, бу нарса Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишида ўз ифодасини топмоқда. Бунга товар обороти ва тўловлар тўғрисида 1950 йилда тузилган Совет-Афғон Битими ёрдам бермоқда.

Бу йил транзит масалалари юзасидан Совет-Афғон Битими имзоланди, бу Битим Афғонистоннинг ташқи савдо алоқаларини ривожлантирмоқ ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамламоқ учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу Битим афғон савдогарларига ташқи бозорларда иш олиб боришлари учун кенг имкониятлар беради.

Совет Иттифоқи Афғонистон билан ўзининг муносабатларида территориал бутунликни ва суверенитетни, ҳужум қилмасликни, ички ишларга аралашмасликни, тенгликни ва ўзаро манфаатдорликни, тинч тотув бўлиб яшашни ва иқтисодий ҳамкорликни ҳурматлаш принципларига муттасил амал қилиб келди ва бу принципларга амал қилаберади.

Биз билан Афғонистоннинг раҳбар арбоблари ўртасида ўрнатилган шахсий алоқа Совет-Афғон муносабатларини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб умид қиламиз. Бир-биримизга манфаатли бўлган масалалар устида фикрлашиб олдик. Бу фикрлашиш ҳар иккала томоннинг мамлакатларимиз ўртасида ҳартомонлама алоқаларни кенг ривожлантиришга тайёр эканлиқларини кўрсатди.

Шу нарсани хурсандлик билан қайд қилиб ўтиш керакки, мустамлакачилик режимларига қарши бош кўтарган Осиё ва Африка мамлакатларининг халқлари кейинги йилларда ўз миллий мустақилликларини ривожлантиришда ва мустаҳкамлашда анча муваффақиятларга эришдилар. Лекин мустамлакачилар янги вазиятда ҳам озод бўлган халқларга ўзларига ма'қул бўладиган тартибларни мажбуран қабул қилдирмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Ҳозирги вақтда улар Осиё ва Африка мамлакатларининг ба'зиларини шартномалар ва пактлар тузоғига илинтиришга интилиб, уларни тинчликка ва халқлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳархил агрессив ҳарбий блокларга тортиб, ўзларининг мустамлакачилик сиёсатларини ҳархил воситалар билан ниқоблаётмоқдалар.

Совет Иттифоқи мустамлакачилик қандай шаклда ифодаланмасин, ҳамиша бунга қарши бўлиб келди. Биз, Осиё ва Африка халқларини миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашига хайрихоҳлик билан қарамоқдамиз. Биз буни ҳечқачон яширганимиз йўқ ва яширмаймиз.

Совет Иттифоқи Афғонистоннинг мустақил, тинчликсевар ташқи сиёсатига, унинг ҳарбий блоклар тузиш сиёсатини ёқламаётганлигига, унинг ўз қўшнилари билан ва барча давлатлар билан дўстона муносабатларда бўлишга интилаётганлигига юксак баҳо беради.

Биз, Афғонистоннинг Пуштунистон масаласини ҳал қилишдаги сиёсатига хайрихоҳлик билан қарайміз. Совет Иттифоқи Пуштунистон проблемасини алоқатли равишда ҳал қилиш тарафдоридир, бу проблемани Пуштунистонда яшаб турган халқларнинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олмасдан туриб, тўғри ҳал қилиш мумкин эмас.

Барча мамлакатларнинг халқлари тинчликни сақлашга интилмоқдалар. Биз, бетарафлик ва блокларда қатнашмаслик сиёсати халқларнинг хавфсизлигини та'минлаш, уларнинг миллий мустақиллигини сақлаш манфаатларига жуда яхши мос бўлиб тушади ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Биз, Афғонистон ҳукумати тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашда ўзининг сарфлаётган куч ва ғайратини давом этдираси деб умид билдирамиз.

Биз, Афғонистон Короли Ҳазрат олийларига сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин.

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик ва халқлар хавфсизлиги!

Афғонистон Бош Министри Муҳаммад Довуднинг

16 декабрьда Кобилдаги зиёфатда сўзлаган нутқи

Маршал Булганин, Хрушчев Жаноб Олийлари!

Жаноблар!

Афғонистон халқи ва Ҳукумати номидан Сиз Жаноб Олийларини, Хрушчев Жанобларинг ва Сизнинг ҳурматли шерикларингизни бу ерга келишингиз билан чин кўнгилдан табриклайман ва шу бахтли соатда Афғонистон халқининг ва Ҳукуматининг Афғонистонни келиб кўриш тўғрисидаги таклифини қабул қилганликларингиз учун изҳор қилаётган миннатдорчилигини ва самимий ташаккурини билдиришга ўзимни бахтиёр деб ҳисоблайман.

Бу кун Афғонистон билан улуг Совет Иттифоқи мамлакати ўртасидаги дўстона муносабатларнинг улуг кунларидан биридирки, бу кун тўғрисидаги эсдалик иккала мамлакат ўртасида бўлган дўстона муносабатлар тарихида хотира бўлиб қолади.

Афғонистон озодлигини ва мустақиллигини қўлга киритганлигини табриклаган биринчи мамлакат Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бўлганлигини ва Октябрь революциясидан кейин Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва халқаро дўстлик учун негиз солган биринчи мамлакат Афғонистон бўлганлигини Афғонистон унутгани йўқ ва ҳечқачон унутмайди.

Ўша пайтдан бери то шу кунгача мана шу икки эркин мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишончга, яхши қўшничиликка, самимий дўстликка, яхши хайрихоҳликка ва тинчликсеварликка асосланиб келмоқда. Бу муносабатларни шу ўртада вақт ҳам, турли халқаро воқиалар ҳам заррача бўшаштиргани йўқ.

Ижтимоий турмушларининг негизи турли асосга қурилган бу иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ўз ўрталарида дўстона муносабатлар бўлган тақдирда идора қилиш системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тотув бўлиб яшашини кўрсатучи ёрқин мисолдир. Бу мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик тараққиётга ва ҳар иккала мамлакатнинг фаровонлигига ёрдам бермоқда.

Афғонистоннинг эрксевар халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шу 38 йил мобайнида эришган муваффақиятларига ҳамиша қойил бўлиб келди. Ҳозирги вақтда Сизнинг мамлакатингизнинг бутун дун'ёда тинчликни та'минлаш ишида қилаётган ҳамма уринишлари ҳаракатларингиз ва Сиз Булганин жанобларининг ва Сиз ҳурматли коллегаларнинг, айниқса Хрушчев жанобларининг ўз сафарларингиз вақтида халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни та'минламоқ учун сарфлаётган куч ва ғайратларингиз тақдирланишга сазовордир.

Бизнинг ҳурматли меҳмонларимиз кенг Ҳиндистонда давомли сафар қилганларидан кейин бизнинг қадимий тоғли пойтахтимизга келдилар. Афсуски, ҳозир совуқ қиш шамоллари эсиб турибди, шунинг учун ҳам бу мавсумда мамлакатимизнинг ҳечқандай латофати кўринмайди. Бироқ, Афғонистон халқида бўлган муҳаббатнинг иссиғи ва бу халқнинг очиқ чеҳраси қиш совуғини ва табиатнинг ҳунук манзарасини бирмунча бўшаштиради. Бизнинг дўстларимиз Осиёнинг марказида бўлган бу мамлакатдаги ўз самимий дўстларининг уйларида ўзларини эркин ҳис қиладилар, бу мамлакатнинг эрксевар халқи ўз эркинлигини энг қимматли хазина ва бойлик деб ҳисоблайди.

Ўз эркинлиги ва фаровонлигидан бошқа мақсади бўлмаган ва бутун дун'ёда тинчлик бўлишига зўр бериб интилаётган Афғонистон халқи жаҳоннинг осойишталигини ўз ватанининг эркинлиги ва яйраб-яшнаши учун энг катта гарантия деб ҳисоблайди. Шунга биноан, Афғонистон узоқ йиллар мобайнида бетарафлик сиёсатини ўтказиб келди, барча дўст ва қўшни мамлакатларга дўстлик қўлини чўзишга ҳамда улар билан ўз мамлакатининг фаровонлиги ва яйраб-яшнаши манфаатини кўзлаб ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб келди.

Афғонистон ўз сиёсатининг ўз манфаатларигагина хизмат қилиб қолмасдан, шу билан бирга, бутун дун'ёда тинчлик ва ўз қўшнилари ҳамда дўстларининг бахтиёрлиги манфаатларига ҳам хизмат қилишига аминдир. Шу муносабат билан у ўз сиёсатининг ҳарбир тинчликсевар мамлакат томонидан ма'қулланишига умидвордир.

Афғонистон ҳамма ҳолларда ва барча халқаро конференцияларда бутун дун'ёдаги халқларининг қардошлиги ва эркинлиги идеясини ва ҳарқандай миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаб келди. Ўз мамлакатларнинг тенглигини ва мустақиллигини ҳурматлашни бутун дун'ёда тинчликни та'минлашнинг бирдан-бир воситаси деб фақат сўздагина эмас, шу билан бирга амалда ҳам ҳисоблаб келди.

Сиз Булганин Жаноб Олийлари, Хрушчев Жанобларинг, ҳурматли жаноблар!

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида кейинги йилларда кўрилган чоралардан афғон ҳукумати ва халқи хурсанд ва миннатдордир.

Бу иқтисодий ҳамкорлик натижасида уни янада ривожлантирмоқ учун негиз селинади, деб умид қиламан, бу эса, иккала мамлакат ўртасидаги дўстона ва самимий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Афғонистон ҳукуматининг мамлакатни моддий ва маданий ривожлантириш, шунингдек мамлактнинг табиий бойликларидан фойдаланиш, ўз халқининг фаровонлигини ошириш мақсадларидан бошқа мақсади йўқ. Шу йўлда Афғонистон сиёсий мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик шарти билан дўст ва ривожланган мамлакатларнинг ёрдамини катта миннатдорчилик билан қабул қилади ва қабул қилаберади.

Сиз Булганин Жаноб Олийлари! Хрушчев Жанобларинг, ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида Афғонистон ҳукумати ва халқининг ҳурматли меҳмонларимизга ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг улуг халқига, шунингдек Совет ҳукуматига энг самимий истакларини изҳор қилишимга ва улуг Раисга ва Совет Иттифоқининг машҳур курашчиси Маршал Ворошиловга ҳамда ҳурматли меҳмонларга соғлиқ ва бахтиёрлик тилашимга, бизнинг умумий катта ва праварди мақсадимиз бўлган бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга истак билдиришимга ижозат берингиз.

Латиш сан'ати ва адабиёти декадаси

Ҳозир Москвада ўтаётган латиш сан'ати ва адабиёти декадаси пойтахт аҳолисининг диққатига сазовор бўлмоқда.

Москвали тамошабинлар Латвиянинг ҳозирги давр композитори М. Зариньнинг «Янги қиргоққа» операси билан, А. Скултэнинг «Озодлик сактаси» деган миллий латиш балети билан танишдилар. Латвия ССР опера ва балет театрининг артистлари 16 декабрьда рус музика классикасининг энг йирик асарларидан бирининг постановкасини — Н. Римский-Корсаковнинг «Китеж шаҳри ҳақида қисса» операсини кўрсатдилар.

Латвия ССР академик драма театри репертуарида совет авторларининг асарлари асосий ўрин тутади. Урушдан кейинги йилларда театр В. Лацис, А. Упит, А. Григулис, Б. Ромашов, Л. Леонов, А. Арбузов ва бошқа кўпгина драматургларнинг пьесаларини муваффақият билан кўрсатди. Кеча Н. Погодиннинг «Кремль қурантлари» спектакли қўйилди. Латвия ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Зандерсон бу спектаклда улуг Ленин образини яратди.

Шу куни кечқурун москвалилар Латвия ССРнинг Я. Райнис номидаги Бадиий театр актёрлари ижросида Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедиясини тамоша қилдилар. Бу спектакль коллективнинг энг яхши тайёрланган спектакльларидан биридир.

Союзлар Уйининг колонна залида симфоник концерт бўлди. Концертда Латвия радиосининг оркестри муваффақият билан чиқди.

Кеча кундузи СССР Ёзувчилар союзида К. Паустовский раислиги остида бадиий проза асарлари юзасидан ижодий дискуссия очилди. Муҳокамада Москва ва Латвия ёзувчилари ҳамда танқидчилари қатнашмоқдалар. Дискуссияда Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари А. Я. Пельше иштирок қилмоқда.

Шу куни Совет Армияси Марказий уйида катта адабий кеча бўлди. Ёзувчи Ю. Ванаг латиш совет адабиёти тўғрисида доклад қилди. Латвия артистлари ва шоирлари ш'ерлар ўқиб бердилар. Кеча охирида латиш артистлари иштирокида концерт берилди. (ТАСС).

Ўзбекистон Совет композиторлари союзининг пленуми

17 декабрьда Ўзбекистон Совет композиторлари союзининг республика композиторлари иккинчи с'ездида сайланган правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни ҳал қилди.

Союз правлениесининг раиси қилиб М. Бурҳонов, раис ўринбосари қилиб Ил'ёс Акбаров, мас'ул секретари қилиб М. Левиев сайландилар. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

ШУДГОРЛАШ ЮЗАСИДАН РАЙОНЛАР, МТСЛАР ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети шудгорлаш юзасидан районлар ва МТСлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил 10 декабрьдан 16 декабрьгача бўлган даврдаги якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районида** (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Тошпўлатова,** район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Афзалов)** қолдирилсин. Бу районда шудгорлаш плани 72,2 процент, шу жумладан пахта майдонларини шудгор қилиш 90,3 процент бажарилган. Ўтган беш кунликда экин майдонларининг 10 процента, пахта майдонларининг 15,6 процента шудгор қилинган.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўртасарой районидаги 2-нчи МТСга (МТС директори вазифасини бажаручи ўртоқ **Исмаилов,** партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ким Бон Дек)** берилсин. Бу МТС зонасида экин майдонларини шудгор қилиш плани 68,8 процент бажарилган, шу жумладан пахта майдонларининг 78,7 процента шудгор қилинган. Ўтган беш кун давомида экин майдонларининг 12,9 процента, пахта майдонларининг 20,1 процента шудгор қилинган. Кўчма Қизил байроқ шу райондаги 1-нчи МТСдан олиб берилсин.

ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Тошкентдаги 5-нчи ғишт заводлар бошқармаси коллективи социалистик мусобақани кучайтириб, бешинчи бешйиллик планни ва 1955 йил топширигини муддатидан илгари бажарди. Бошқарма йил охиригача яна планга қўшимча равишда 4,5 миллион дона ғишт етказиб бериш мажбуриятини олиб, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Заводлараро социалистик мусобақада иккинчи ва учинчи заводларнинг коллективлари олдинда бормоқда. Иккинчи завод коллективи ўнбир ойда пландан ташқари бир миллион 800 минг дона ғишт, учинчи завод эса 2 миллион 400 минг дона ғишт ишлаб чиқарди.

Ҳозир бошқарма корхоналарининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашиб, КПСС XX с'ездига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар.

Ж. АБДУРАҲМОНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Пахтачиликда прогрессив усуллар кенг қўлланилсин

Бўка район партия конференциясидан

Бўка районининг колхозчилари чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишда ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Чорва молларининг сонини кўпайтириш юзасидан берилган план ошириб бажарилди. Ҳарбир сигирдан согиб олинган сут 1954 йилдагига нисбатан 479 килограмм ошди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. 700 гектар ерга маккажўхори экилди ва бу йил биринчи марта район бўйича 4618 тонна силос бостирилди. Мол боқиш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги натижасида Вильямс номли колхоз ҳарбир сигирдан 1.034 килограммдан, «XIX партс'езд» колхози 1144 килограммдан, Каганович номли колхоз 1.025 килограммдан сут согиб олдилар. Бундай кўрсаткичларга илгариги йилларда эришилмаган эди.

Лекин конференция делегатлари чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлигини та'кидладилар.

— Биз пахтадан мўл ҳосил етиштиришда яна ҳам яхшироқ натижаларга эришган бўлур эдик,—деди делегат ўртоқ Ҳазаматов, — броқ, машина-трактор станцияларида бўлган механизмларнинг кучидан етарли фойдаланолмадик. Ғўза қатор ораларини кўндалангига ишлашда катта камчиликлар рўй берди. Агар квадрат-уялаб экилган майдоннинг ҳаммасида ғўза қатор оралари 2—3 мартадан кўндалангига культивация қилинганда, ҳосил янада ошган бўлур эди.

Шунинг учун 1956 йилда ерларимизнинг кўп қисмини квадрат-уялаб экишимиз ва ғўза қатор ораларини асосан механизация кучи блан ишлашимиз зарур.

Делегатлардан Инагомжонов ва бошқа ўртоқлар аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг бўш олиб борилганини, райком идеология ишларини кучайтиришга етарли э'тибор бермаганини айтдилар.

«Кўқсарой» совхозининг директори ўртоқ Пак район партия комитети совхозларга яқиндан раҳбарлик қилмаганини кўрсатиб, бундай деди:

— Сув етишмагани учун бирқанча ердаги ғўзаларимиз шона ташлаб, ҳатто қуриб қолди. Ҳолбуки агар район партия комитети бизнинг ишимизга яқиндан аралашганда, бу хил аҳвол рўй бермас эди.

Делегатлардан Постриганов, 1-нчи МТС директори Живодеров ўртоқлар ҳам райкомнинг иш услубида бўлган камчиликларни кўрсатиб, танқид қилдилар.

Конференция район хўжалигини ривожлантириш тадбирларини белгилаб резолюция қабул қилди. Райкомнинг янги составини, ревизия комиссияси ҳамда область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг биринчи пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. Райкомнинг биринчи секретарьлигига ўртоқ Э. Шайхов, иккинчи секретарьлигига ўртоқ Л. Мартиненко сайланди. МТС зоналари бўйича райком секретарьлари қилиб Кечин ва А. Мустафин ўртоқлар сайландилар.

Ш. СУЛТОНОВ.

Ғалла ҳосилини ва чорва маҳсулдорлигини тинмай оширайлик

Паркент районининг партия конференциясидан

Яқинда Паркент район партия ташкилотининг 11-нчи конференцияси бўлиб ўтди. Район партия комитетининг ишлари ҳақида райком секретари ўртоқ Нуриддинов ҳисобот доклад қилди.

Докладчи, КПСС Марказий Комитети сентябрь, январь ва июль Пленумлари қарорларини бажариш асосида ғаллакорлик ва чорвачилик соҳасида қўлга киритилган ба'зи ютуқларни кўрсатди. Районда ўтган йили 8.239 гектар ернинг ҳар гектаридан 5,26 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил ҳар гектардан 6,03 центнердан ҳосил йиғиб олинди. «Коммуна» колхози бу йил ҳар гектар майдондаги ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан 2 центнер, Калинин номли колхоз 3 центнердан оширди. Кузги дон экиш ўтган йилга нисбатан қарийб 3 минг гектарга кенгайтирилди.

Районда чорвачилик плани, чўчқачиликдан бошқа ҳамма турлари бўйича бажарилди. Сут, гўшт, тухум, жун топшириш планлари тўла бажарилди. Ҳарбир сигирдан согиб олинган сут 700 ўрнига 736 килограммни ташкил этади. Айрим колхозлар, шу жумладан Молотов номли колхозда ҳарбир сигирдан 854 килограммдан сут согиб олинди.

Докладчи ва музокарага чиққан кишилар қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларидаги жуда катта камчиликларни танқид, ўз-ўзини танқид остида очиб ташладилар.

Ем-хашак тайёрлаш планлари бажарилмади. 19500 тонна ўрнига 14160 тонна хашак тайёрланган. 12 минг тонна ўрнига 3539 тонна силос бостирилган. Районда мойли ва сабзавот экинларидан ҳосил етиштириш планлари тўла бажарилмади.

Район бўйича узум тайёрлаш плани бажарилган бўлса ҳам, токзорларни парваришлаш қилиш яхши йўлга қўйилмаганлиги учун ундан етказилган ҳосил жуда паст. 673 гектар токзорнинг бирор гектари ишкомга кўтарилмаган. Кўп қисми ўз рўласи блан чала-чулпа ёпилган. Энг йирик боғдорчилик колхозларидан «Коммуна» колхози ҳар гектар ердаги токзордан 50 ўрнига 22 центнердан, Ленин номли колхоз эса 12 центнердан ҳосил етиштирдилар, холос.

Конференцияда районнинг энг йирик колхози ҳисобланган Сталин номли колхозининг иқтисодий жиҳатдан орқада қолиши ҳақида колхоз раиси, райком а'зоси Ё. Ҳолматов адресига ва район партия комитетининг секретарьлари адресига жиддий танқид бўлди. Бу колхоз ўтган йил кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 10,47 центнер ҳосил етиштирган бўлса, бу йил 5,68 центнердан ҳосил олди. Қишлоқ хўжалик экинларининг бошқа турларидан ҳам кам ҳосил олиб, колхознинг умумий даромади ўтган йилдагидан 300 минг сўм камайди.

Конференция делегатлари МТС ишининг КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида тўла қайта қурилмаганини, МТСнинг колхоз ишлабчиқариши блан мустаҳкам боғланиб иш олиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Ленин номли колхоз раиси ўртоқ Ж. Эров ўз сўзида МТС директори Козмадиади энг йирик ғаллачилик колхози бўлган бизнинг колхозимизда дон хўжалигини ривожлантириш перспективаларини билмайди, ҳатто колхозимизга ҳам бормайди, деди.

Киров номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Дўстов ўз сўзида камқувват колхозларга берилаётган ёрдам қониқарли эмаслигини айтиб, райком ва райижроком раҳбарлари қолоқ колхозлар хўжалигини ривожлантириш ҳақида ўйламаётирлар, деди.

Конференцияда идеология ишлари соҳасида кўпгина камчиликлар борлиги очиб ташланди. Раҳбар коммунист ходимлардан район савдо бўлими мудири Собиров, райижроком ходими Пармоновнинг никиликбозликка берилиб кетганликлари, районда ёш қизларни ўқишдан ажратиб турмушга чиқариш каби аҳвол рўй бераётганлиги, район партия комитети бюро а'золари аҳоли ўртасида камдан-кам лекциялар ўқишлари, маҳаллий матбуотга етарли э'тибор берилмаётгани ва бошқа камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

Конференция ишида область партия комитети секретари ўртоқ Попов қатнашди ўртоқ Попов сўзга чиқиб, Паркент район партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади.

Райкомнинг янги составини, ревизия комиссияси ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Райкомнинг биринчи пленуми район партия комитетининг секретарьлигига ўртоқ С. Нуриддиновни, ўртоқ И. Н. Кимни, МТС зонаси бўйича райком секретарьлигига ўртоқ Х. Мирзакаримовни сайлади.

Ю. БАХОДИРОВ.

Чирчиқ тикучилик фабрикасининг 2-нчи цех коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқда. **Суратда:** кунлик топшириқни 200—250 процентга етказиб бажараётган илғор ишчилардан **Н. Валуйских** ва **Л. Букаева** ўртоқлар янги заказни муҳокама қилмоқдалар.

А. Скоков фотоси.

Фан ва техника янгиликлари

□ □

ПУЛКОВОДА ЯНГИ РАДИОТЕЛЕСКОПЛАР

СССР Фанлар академиясининг бош обсерваториясида яқинда радиоастрономия ташкил этилди. Бу бўлимнинг илмий ходимлари Қуёш ва бошқа осмон жисмларининг радионурланиш хусусиятларини ўрганиш блан шуғулланадилар. Шу мақсадда обсерваториянинг Пулководаги марказий майдонида янги телескоплар ўрнатилди. Бу радиотелескоплар воситаси блан йилнинг ҳарбир фаслида, ҳарқандай ҳаво шароитида ҳам кеча-кундузи кузатиш ишлари олиб бориш мумкин. Бу янги аппаратура ёрдами блан яқинда Қуёшдан радиосигналлар қабул қилинди.

Осмон жисмларининг радионурланиш хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш олимларимизга бу жисмларда содир бўлиб турадиган физик процесслари ўрганишга имкон беради ва бир планетадан иккинчисига учиб ўтиш проблемасини ҳал қилишда катта роль ўйнайди.

ТИТАН — ЭНГ ҚУЛАЙ МЕТАЛЛ

Титан химик элемент сифатида 1791 йилдан бери олимларга ма'лум бўлса ҳам, унинг запаси жуда кам деб ҳисоблаб келинар эди. Шунинг учун ҳам у, техникада жуда кам фойдаланиларди.

Сўнгги йилларда ўтказилган геологик-қидирув ишлари натижасида ер шарида бу металлнинг хром, марганец, мис, ваннадий ва қўрғошин запасларига қараганда уч баравар кўп эканлиги аниқланди. Бизнинг мамлакатимизда бу металл комплекс рудалар ва минераллар составида жуда кўп эканлиги ма'лум бўлди. Бу эса титанни соф ва бирикма ҳолида қора металлургия ва рангли металлургияда, машинасозлик ва кемасозликда, химия ва авиация саноатида кенг қўлланиш имкониятини беради. Чунки бу металл бошқа металлардан ўзининг физикавий, химиявий ва техникавий хусусиятлари жиҳатидан анча афзалликларга эгадир. Шунинг учун ҳам совет олимлари бу металлни халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланиш тадбирларини белгилаш устида самарали ишлар қилмоқдалар.

ТЕАТР

„Қизил гул“

Бахтиёр ўғил-қизларимиз халқимиз тоҳонидан яратилган қўшиқ ва ашулаларни завқ блан тингланйдилар, эртак ва ҳикояларни зўр қизиқиш блан эшитадилар. Чунки буларда халқимизнинг орзу-умидлари, шунингдек эзилмларга ва жаҳолат дун'ёсига нисбатан нафрат ва газзблари ифодаланади. Ана шундай эртақлардан ҳисобланган «Қизил гул» номли рус халқ эртагини ким билмайди, дейсиз! Яқинда Охунбобоев номидаги ёш тамошабинлар театри И. Карнаухова, Л. Краусевичларнинг шу эртак асосида ишланган пьесасини саҳналаштириб, ёш тамошабинларга совга қилди.

Пьесанинг асосида, гуманизм-инсонпарварлик ғояси ётади. Пьесадаги воқиалар орқали биз қадимий рус савдогарларининг оиладаги ҳаёти ва саргузаштлари блан танишамиз. Узоқ сафарга чиққан савдогар катта қизлари томонидан буюрилган совғалар—қимматбаҳо қўйлак, ёқут, маржонларни топадию, аммо энг кичик қизи — Аленушка айтган қизил гулни истаб даҳшатли ўрмон ичига кириб қолади. Ўрмон ичида узоқдан нурга чўмган бир сарой кўзга ташланиб туради. Савдогар саройнинг ичига киради ва бир тўп сиҳрли гуллар орасидан қизил гулни узиб олади. Сарой эгаси бу қилмишни учун савдогарни ўлим кутаётганлигини айтиб, уни қўрқитади. Лекин савдогар ялиниб-ёлворгач, сарой эгаси уни ўз қизларидан биротасини бу ерга юборса омон қолдириш шарти блан қўйиб юборади.

Саройга савдогарнинг энг кичик қизи Аленушка келиб яшайбошлайди.

Театрнинг ижодий коллективи ана шу оддийдек кўринган сюжет орқали халқнинг «ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» деган мақолида ифодаланган ғояни бўртдириб талқин қилаолганлар.

Авторлар асардаги ҳарбир қаҳрамонни ўзига хос характер, индивидуал хусусиятлар блан тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Аммо уларга хос бўлган халқчиллик, равонлик тўла сақланиб қолинмаган. Қаҳрамонларнинг тилида ба'зан стилистик жиҳатдан нотўғри тузилган жумлалар, ёш тамошабинлар тушуниб етиши қийин бўлган сўзлар учраб туради. Асарни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган Н. Дўстхўжаев бу ҳақда яна ўйлаб кўриши керак.

Пьесадаги асосий образлардан бири савдогарнинг энг кичик қизи Аленушка образидир. Аленушка ақлли, ҳарбир ишни ўйлаб қилучи доно қиз. У катталарни ҳурмат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Аленушкадаги инсоний хислатларни биринчи кўринишдаёқ, тамошабинлар унинг ғаплари, юриш-туришларидан пайқаб оладилар. Аленушка (артистка Г. Измайлова, ўз отасини узоқ сафарга кузатар экан, унинг юзида қандайдир алам, ғамгинлик, меҳрибон отага нисбатан ачиниш ҳислари яққол сезилиб туради. Аленушканинг қалби ўз отасига нисбатан фарзандлик меҳри-муҳаббати блан тўлиб тошган. Шунинг учун ҳам у отасини даҳшатли ўлимдан қутқариб қолиш учун сеҳрли саройга бориб кун кўрабошлайди. Ҳарқандай кўрқув-қийинчиликларга мардлик блан бардош бераолиши натижасида ҳақиқий бахтга эришади. Аленушка ролини артистка Г. Измайлова умуман олганда муваффақиятли ўйнаган. Лекин у даҳшатли ўрмондаги сеҳрли саройга келиб қолган самимий ва содда қизнинг ҳис ва ҳаяжони, нотаниш ҳаётга кўникиб, қийинчиликларни енгишдаги изтиробини янада кучайтириши керак. Аленушка сарой эгаси — бадбуриш маҳлуқни кўргач ҳушидан кетади. Аммо кейинги кўринишда эса у блан ўйнэб-кулиб чопишиб юради. Бизнингча, Аленушка маҳлуқ блан яшашга қандай қилиб, қўникканлиги режиссёр э'тиборидан четда қолган. Бу нарсага аниқлик киритилса эсарнинг тарбиявий қиммати янада ортган бўларди.

Савдогарнинг катта қизлари Капа (артистка М. Ҳамидова), Фиса (артистка С. Баязитова) образларида биз бойликка ҳаддан ташқари ҳирс қўйган, ўз бахтини «зангори шойидан тикилган кўйлак», «олтиндан терилган ёқут-маржон»лар орқали топмоқчи бўлган мешчанка аёлларнинг образини кўрамиз. Бу икки қиз қаҳри қаттиқ, пардоз-андозга, ҳайш-ишратга берилиб кетган аёлларни гавдалантиради. Улар ўз савдогар оталарини самимийлик блан эмас, аксинча унинг қимматбаҳо совғалари, сандиқдаги олтин бойликлари учун севадилар. Буни биз савдогар узоқ сафарга отланаётгандаги қизларнинг руҳий ҳолатларидан билиб оламиз. Ота узоқ хатарли сафарга кетаётганида, бу икки қиз пинагини бузмайди, аксинча хурсанд, севинчлари ичига сиғмайди. Ахир оталари уларга совга олиб келади, бундан ташқари қимматбаҳо бойликлар жойлашган сандиқнинг калитини уларга ташлаб кетади. Қизларни фақатгинэ шу нарса қизиқтирарди. Бўлмаса савдогар мушкул аҳволга тушиб қолиб қизларидан нажот сўраганида, унинг кўнглини овутиш, тасалли бериш ўрнига Капа: «Ота, сиз энди ёшингизни яшаб, ошингизни ошадингиз, ўзингиз бораверинг, уялмайсизми бизларни юборгани!» деди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки артистка М. Ҳамидова раҳм-шафқатнинг кўчасидан ўтмаган, қимматбаҳо буюмларни отдан афзал қўючи шахсиятпараст, тантиқ қизнинг образини муваффақият блан яратиб бераолган. Лекин, бу образларда бой-феодал қизларига хос бўлган таннозлик, яширин ийёрлик, тилёламалик каби хусусиятлар яхши очиб берилмаган. Ба'зан артистлар образнинг ички моҳиятини очиб бераман деб уни бачканалаштириб юборадилар. (Сандиқ калитини талашиш мажарэси).

Савдогар образи пьесада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Артист А. Исмоилов қадимги рус савдогарларининг типик образини яратиш устида қунт блан меҳнат қилган. А. Исмоилов — савдогар ёш тамошабинларнинг кўз ўнгида фарзандлари учун меҳрибон, уларнинг истак-орзуларига ғамхўрлик блан қулоқ солучи, мақсад йўлида ҳарқандай қийинчиликларга бардош бераоладиган жонкуяр ота бўлиб гавдаланади. Шунинг учун ҳам тамошабинларимиз унинг ҳарбир ҳаракатини ҳавас ва диққат блан кузатиб турадилар. А. Исмоилов бошига оғир кулфат тушган савдогарнинг ўз қизлари олдидаги чуқур қайғуга чўмгани ва ички кечинмалари, азобланиши, юзи шувит бўлиб қийналишини зўр маҳорат блан талқин этаолган.

Ҳамавақт меҳрибон ва ғамхўр энага (артистка Т. Сачакова), қўрқоқ, лекин ўлгудек мақтанчоқ Антон (артист Б. Нурмуҳамедов) образлари ҳам ёш тамошабинларимизга мэнзур бўлмоқда.

Саҳнани безашда рассом П. И. Сенютининг анча меҳнат қилганлиги кўриниб турибди. Айниқса ўрмон ва ўрмон ичидаги сарой, гул узиш картиналари, савдогарнинг узоқ сафэрга жўнаб кетиш олдидаги манзаралар воқиаларни англашда қулайлик туғдиради. Лекин декорация автори безакларнинг содда ва табиий бўлиб чиқиши устида янада қунт блан иш олиб бориш лозим.

«Қизил гул» пьесаси ёш тамошабинларимизни довюрак, мард бўлишга ўргатади, ота-онани севиш, катталар ишига ҳурмат блан қарашга да'ват этади, қийинчиликларсиз муваффақиятга, бахтга эришиш мумкин эмаслигини кўрсэтади.

Театрнинг ижодий коллективи пьеса устида ишлашни давом этдириб, юқоридаги камчиликларни тузатсэ, пьесанинг тарбиявий аҳамияти янада ортган бўлади.

Н. РИХСИЕВ,
Х. ЖАЛИЛОВ.

Социалистик индустриялаштириш с'езди

Бундан 30 йил муқаддам, 1925 йил 18 декабрьда Ватанимиз пойтахти—Москвада ВКП(б) нинг XIV с'езди очилди. Бу с'езд партиямиз тарихига СССР ни социалистик индустриялаштириш с'езди бўлиб кирди.

Партиянинг XIV с'езди ўз ишида Ленининг айрим олинган бир мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги та'лимотига, иқтисодий жиҳатдан қолоқ Россияни илғор, қудратли, социалистик давлатга айлантиришнинг ленинча илмий программасига қаттиқ амал қилди. Социалистик индустриялаштириш, оғир саноатни ҳартарафлама ривожлантириш, халқ хўжалигини электрлаштириш мамлакатимизда социализм қуриш программасининг энг муҳим таркибий қисми эди.

«Пролетар давлат ҳокимияти...,—деб ёзган эди В. И. Ленин,—бутун саноатни йирик коллектив ишлабчиқариши ва энг янги (бутун хўжаликни электрлаштиришга асосланган) техника базаси асосида қайтадан қурган вақтдагина социализмнинг капитализм устидан ғалабасини, социализмнинг мустаҳкамланганлигини та'мин қилган деб ҳисоблаш мумкин» (Асарлар, 31 том, 156 бет).

В. И. Ленин мамлакатни индустриялаштиришни ишчилар синфи блан меҳнатқаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашнинг энг қудратли фактори, бутун халқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини социалистик асосларда реконструкция қилишнинг ҳал қилучи фактори деб билди.

И. В. Сталин мамлакатни социалистик индустриялаштиришнинг ленинча йўлини ВКП(б) XIV с'ездида ёқлаб чиқди.

Совет хўжалик системасининг афзалликлари ва Коммунистик партиянинг зўр ташкилотчилик фаолияти туфайли партиянинг XIV с'езди очилган даврга келиб саноат ва қишлоқ хўжалиги тиклланган. урушдан олдинги даражага етаб деб қолган эди. Броқ эришилган бу муваффақиятлар мамлакатимизнинг ҳамон қолоқ, деҳқончилик мамлакати бўлиб қолаётганлиги фактини инкор қилаолмас эди. Бутун маҳсулотнинг учдан икки қисмини ҳамон қишлоқ хўжалиги, учдан бир қисмигина саноат бермоқда эди.

И. В. Сталин Марказий Комитетнинг партия XIV с'ездига қилган ҳисоботида мамлакатимизни капиталистик мамлакатлардан тамомила мустақил, қудратли индустрия давлатига айлантириш вазифалари та'рифлаб берилди.

И. В. Сталин с'ездда мамлакатимиз тараққиётининг икки бош йўли тўғрисида гапирди. Бу йўлнинг бири—мамлакатимиз ҳали узоқ вақт аграр мамлакат бўлиб қолмоғи лозим, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет мамлакатларга чиқариб, улардан ускуналар келтирмоғи лозим, келажакда ҳам мана шу заминда туриши ва шу йўл блан ривожланмоғи керак, дегач фикрга асосланган йўл эди. Бу йўл амалда мамлакатни индустриялаштиришни йиғиштириб қўйишни талаб қиларди.

Иккинчи йўл—мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан мустақил мамлакат қилиш учун бутун кучимизни сарф қилмоғимиз лозим, деган фикрга асосланган йўл эди. Бу йўл саноатимизни ресурсларимизга мувофиқ равишда кўп ривожлантиришни талаб қиладиган йўл, мамлакатимизни жаҳон капитализм системасининг ожиз, аграр қуйрига айлантириш сиёсатини қат'ий суратда рад қилган йўл эди. Бу—партия тутган ва бундан кейин ҳам туталиган бизнинг қурилиш йўлимиз эди. И. В. Сталин В. И. Ленин кўрсатмаларига тўла амал қилиб, мамлакатни социалистик индустриялаш ишининг моҳияти оғир саноатни ривожлантиришдан, биринчи галла машинасозликни ривожлантиришдан иборат эканлигини та'киддади. Чунки, оғир саноат ва машинасозлик барпо қилингандагина социализмнинг моддий базасини та'миндаш, социализм мамлакатининг капиталистик дун'ёдан мустақил бўлишини та'минлаш мумкин эди.

С'езд мамлакатни социалистик индустриялаш сиёсатини муваффақият блан амалга оширишнинг муҳим шарти ишчилар синфи блан ўртаҳол деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтди. Ўша вақтда деҳқонлар масаласида ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқи учун хавф туғдирган икки оғмачилик мавжуд эди.

Биринчи оғмачилик—қулоқларнинг ва умуман қишлоқдаги капиталистик элементларнинг ролини камайтириб кўрсатишдан, қулоқлар хавфини бўяб кетишдан иборат эди. Қишлоқда табақаланиш бўлмаётир, деган нотўғри фикрга асосланган бу оғмачилик амалда қишлоқдаги синфий курашни инкор қилишга олиб борарди.

Иккинчи оғмачилик қулоқларнинг ва умуман қишлоқдаги капиталистик элементларнинг ролини кўпиртириб кўрсатишдан, бу элементлардан воҳимага тушишдан, пролетариат ва камбағал деҳқонларнинг ўрта деҳқонлар блан иттифоқ тузиши мумкин ва мақсадга мувофиқ эканлигини инкор қилишдан иборат эди. Амалда бу оғмачилик қишлоқда синфий курашни қизитишга, бутун қурилиш ишларимизни бузишга, шу блан миллионларча деҳқон хўжаликларини социалистик қурилиш системасига ўтказишни кўзда тутган Ленининг кооператив планини инкор қилишга олиб борар эди.

Партия XIV с'езди бу иккала оғмачиликка қарши кескин кураш олиб боришни муҳим вазифа қилиб қўйди.

Марказий Комитетнинг И. В. Сталин қилган сиёсий ҳисоботида партия тўғрисидаги, унинг сафларини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалага катта э'тибор берилди. Партия составини яхшилаш ва унинг ғоявий савиясини ошираб бориш, партия кадрларини тарбиялаш ва ўстириш, партиянинг хўжалик ва совет қурилишига раҳбарлик қилиш маҳоратини ошириш, унинг ишчилар синфи ва деҳқонлар орасидаги мавқи'ини янада мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш партиянинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйилди.

С'ездда партиянинг И. В. Сталин баён қилиб берган бош йўлига Зиновьев ва Каменев бошчилик қилган «янги оппозиция» қарши чиқди. «Янги оппозиция» мамлакатимизни капиталистик мамлакатларнинг ожиз, аграр қуйриғига айлантириб қўйиш планини Ленининг социалистик индустриялаштириш планига қарамқарши қилиб қўйди. Бу оппозиция таклиф қилган планга кўра, совет мамлакати четэлга хомаш'ё ва озиқ-овқат моллари чиқариши, четэлдан эса машиналар келтириши керак эди. Бу планнинг амалга оширилиши — СССРни саноати ривожланган четэлга қул қилиб бериш бўлур эди.

СССРда социализм қуриш мумкинлигини инкор қилган зиновьевчилар с'ездда сўзга чиқиб, давлат саноатимиз социалистик саноат эмас, кооперациямиз социалистик характерга эга эмас, НЭП чекинишдангина иборатдир, ўртаҳол деҳқон социалистик қурилиш ишида ишчилар синфининг иттифоқдоши бўлаолмайди, деб да'во қилдилар.

С'езд «янги оппозиция»нинг троцкийчилик-меньшевиклик моҳиятини фош қилиб ташлади, зиновьевчилар амалда троцкийчилар эканлигини кўрсатди.

С'езд Марказий Комитетнинг ҳисоботи юзасидан қабул қилган ўз резолюциясида партиянинг сиёсий ва ташкилий йўлини тўла тасдиқлади ҳамда оппозициончиларнинг таслимчилик планларини улоқтириб ташлади, мамлакатни социалистик индустриялаштиришнинг ленинча йўлини партиянинг бош йўли деб э'лон қилди.

С'езд Ленинград партия ташкилоти а'золарига қарата чиқарган ўз мурожаатномасида алдамчилик йўли блан мандат олган Ленинград делегациясининг с'ездда тутган йўли большевикларга қарши, жиноятқорона позиция эканини тушиндириб берди.

«ВКП(б) XIV с'ездининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, — деб ёзган эди И. В. Сталин, — бу с'езд «янги оппозициянинг» хатоларини илдизигача очиб ташлайолди, «янги оппозициянинг» ишончсизлик ва умидсизлик блан қараш-ларини ўртадан олиб ташлади, бундан бўён ҳам социализм учун олиб бориладиган курашнинг аниқ ва равшан йўлини чизиб берди. партияга ғалаба истиқболини кўрсатиб берди ва шу блан пролетариатни социалистик қурилишнинг ғалабасига қаттиқ ишонтирди» (Асарлар, 8 том. 104 бет).

Мамлакатимизни социалистик индустриялаштиришнинг В. И. Ленин ишлаб чиққан ва партиямиз XIV с'езди қабул қилган илмий программаси асосида СССРда янги, ҳозирги замон техникаси асосида тракторсозлик, автомобильсозлик, станоксозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, химия ва авиация саноати янгидан вужудга келди, нефть саноати, қора металлургия ҳамда саноатнинг жуда кўп бошқа тармоқлари тубдан реконструкция қилинди. СССР саноати жуда тез сур'атлар блан ривожланаборди. 1929 — 1954 йиллар мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳар йилги ўсиш сур'ати (уруш йилларини э'тиборга олмаганда) 18,2 процентни ташкил қилди. Ваҳолонки, шу давр мобайнида АҚШ да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик сур'атининг ўсиши 2,4 процентни, Англияда—3,6 процентни, Францияда эса — 2,1 процентни ташкил этди, холос. Шундай қилиб, СССР саноат тараққиёти сур'атлари жиҳатидан дун'ёда биринчи ўринни эгаллади, саноат маҳсулоти ҳажми жиҳатидан эса 1939 йилда жаҳонда иккинчи ўринга (АҚШдан сўнг) ва Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Мамлакатимиз саноати ишлаб чиқарган маҳсулот 1933 йилдаёқ бутун халқ хўжалигида 70,4 процентни ташкил қилди.

Урушдан олдинги бешйилликлар даврида мамлакатимизнинг шарқий районларида ҳам саноат тез тараққий этди. Ўрта Осиё совет республикаларида саноат тараққиёти сур'атлари айниқса юқори бўлди. Масалан, Ўзбекистонда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати, Чирчиқ электрохимия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи каби саноат гигантлари жадал барпо қилинди. Ўзбекистондаги оғир саноат корхоналарининг сони 1952 йилда 1924 йилдагига қараганда 9,7 марта, саноат ишлаб чиқарган ялпи маҳсулот 1954 йилга келиб 1924—1925 йиллардагига қараганда бирнеча ўн марта кўпайди. 1950 йилдаёқ республикада ишлаб чиқарилган электр қуввати 1913 йилда бутун Россияда ишлаб чиқарилган электр қувватидан кўп бўлди.

СССРнинг социалистик индустриялаштирилганлиги қишлоқ хўжалигини реконструкция қилишнинг, уни йирик, машиналашган социалистик хўжаликка айлантиришнинг асоси бўлди. 1928 йилдан 1941 йилгача ўтган 13 йил мобайнида мамлакатимиз қолоқликдан прогресс сари тарихда мисли кўрилмаган жуда катта сакраш ясади ва қудратли индустриялашган-колхозлашган социалистик давлатга, капиталистик мамлакатлардан тамомила мустақил мамлакатга айланди. Бу эса Коммунистик партиянга мамлакат хўжалиги олдига 1939 йилдаёқ асосий иқтисодий вазифани қўйишга, я'ни жон бошига саноат маҳсулотлари ишлабчиқаришда ҳам капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини қўйишга имкон берди.

Совет халқи жонажон Коммунистик партия раҳбарлиги остида бу муҳим вазифани муваффақият блан амалга ошириш учун курашмоқда.

Партия совет кишиларининг куч-ғайратини оғир саноатни, социалистик экономика асосларининг асоси, мамлакатимиз мудофаа қудратининг бузилмас негизи ва халқ фаровонлигини тўхтовсиз юксалтиришнинг манба'и бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратиб келди ва ўзининг шу бош йўлини ҳозир ҳам амалга оширмоқда. Саноатнинг кейинги йиллардаги иш натижалари партиямизнинг оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган бош йўли тўғрилигини яна бир марта тасдиқламоқда. Партия шу йўлни тинмай ўтказиб, ишлаб чиқариш воситалари ишлабчиқаришни иste'мол буюмлари ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ривожлантириш зарурлиги ва бу нарса кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг муқаррар шарти эканлиги тўғрисида улуғ Ленин берган кўрсатмаларга амал қилмоқда.

«Оғир индустрия, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорида, — бундан бўён ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда тезроқ ривожлантирилиши лозим. Мамлакатимизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришни белгилаб беручи оғир саноатни ривожлантириш даражаси қанчалик юқори бўлса, биз совет халқининг тинмай ўсиб бораётган эҳтиёжларини шунчалик тез қондираоламиз, иste'мол буюмларини шунчалик тез мўлкўл қилиб вужудга келтираоламиз ва социализмдан коммунизмга шунчалик тез ўтаоламиз».

Совет халқи жонажон Коммунистик партиянинг XX с'ездини кутиб олишга тайёрланмоқда. Шонли ишчилар синфимиз ва инженер-техник ходимларимиз с'ездолди социалистик мусобақасини авж олдириб, янгидан-янги ишлабчиқариш ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Совет кишиларининг куч-ғайрати Коммунистик партия томонидан мамлакатимиз саноатини янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил қилишни янада яхшилаш вазифаларини муваффақият блан амалга оширишга қаратилгандир.

Ватанимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида саноатни янада қудратли равишда юксалтиришни та'миналайдилар, шу блан Совет давлати қудратини янада мустаҳкамлаш ишига, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига янги, катта ҳисса қўшадилар.

А. ИСЕЕВ.

Пахтакор ўртоқ! Давлатга қўшимча пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятингни бажар, ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилма!

☆ ☆

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 15 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМАТ

(процент ҳисобида)

№№	МТСларнинг номи	Шудгорланган ер	Шу жумладан пахта майдони	МТС директори	партия ташкилотининг секретари
1.	Қорасув МТСи	106	—	Шомаев	Зияев
2.	1-нчи Ховос МТСи	98,5	3,1	Комолиддинов	Киселев
3.	1-нчи Тошкент МТСи	87,0	—	Сарухонова	Рўзиев
4	2-нчи Тошкент МТСи	82,8	—	Турухонов	Бакишев
5.	2-нчи Юқоричирчиқ МТСи	80,3	98,3	Моргунов	Ше Сан-Чен
6.	2-нчи Қуйичирчиқ МТСи	76,9	—	Бакулин	Юсупов
7.	1-нчи Қуйичирчиқ МТСи	76,6	—	Боҳодиров	Балбот
8.	Оржоникидзе МТСи	72,7	90,3	Абдурашидов	Каримов
9.	Калинин	72,4	65,4	Мирсоатов	Кўзиев
10	2-нчи Ўртасарой МТСи	68,8	78,7	Исмоилов	Ким-Бондек
11.	1-нчи Ўртасарой МТСи	62,6	89,7	Ёдгоров	Цой
12.	3-нчи Қуйичирчиқ МТСи	60,2	—	Тошалиев	Хасанбоев
13	2-нчи Пискент МТСи	58,5	62,5	Ваксман	Холматов
14.	1-нчи Юқоричирчиқ МТСи	55,9	61,2	Қосимов	Абзалов
15.	2-нчи Мирзачўл МТСи	46,8	54,7	Ткачев	Собиров
16.	1-нчи Пискент МТСи	44,8	60,1	Пак	Мирқобилов
17.	2-нчи Янгийўл МТСи	44,6	54,8	Галицинский	Шамсиев
18.	1-нчи Ўртачирчиқ МТСи	42,5	48,0	Пак	Йўлдошев
19	3-нчи Гулистон МТСи	41,8	61,7	Книш	Тарасенко
20.	Чиноз	41,3	35,2	Мелихов	Женеевский
21	1-нчи Оҳангарон МТСи	40,1	57,7	Кошкин	Содиқов
22.	2-нчи Ўртачирчиқ МТСи	39,0	43,4	Акопян	Раҳимжонов
23.	2-нчи Оққўрғон МТСи	39,0	43,4	Мухтаров	Икромов
24.	1-нчи Янгийўл МТСи	37,8	40,0	Мешков	Киценко
25.	1-нчи Мирзачўл МТСи	37,7	48,5	Акромов	Холиқов
26.	1-нчи Сирдар'ё МТСи	35,3	42,3	Аҳмедов	Югай
27.	Пахта	33,6	40,1	Коломейцов	Болтаев
28.	1-нчи Оққўрғон МТСи	33,6	44,9	Рогачев	Шигапов
29.	1-нчи Гулистон МТСи	33,1	34,3	Погасян	Минтаев
30.	1-нчи Бўка МТСи	31,9	31,2	Живодеров	Есботаев
31.	2-нчи Бекобод МТСи	31,9	34,3	Ҳасанов	Мухтаров
32.	2-нчи Сирдар'ё МТСи	31,6	34,7	Житенев	Сакаев
33.	1-нчи Верхне-волинск МТСи	31,3	38,5	Холбоев	Азизов
34.	2-нчи Верхне-волинск МТСи	29,5	33,0	Боймухамедов	Шаропов
35.	1-нчи Бекобод МТСи	28,6	29,0	Икромов	Тўрақулов
36.	Октябрь	27,8	27,4	Ноздрин	Бихожаев
37.	3-нчи Бекобод МТСи	26,0	30,5	Кочубей	Жабборов
38.	Паркент	25,1	—	Козмидиади	Рўзиев
39.	2-нчи Бўка МТСи	24,5	22,7	Жўрба	Акимбоев
40	2-нчи Гулистон МТСи	23,8	15,8	Мухамеджонов	Темиров
41.	2-нчи Оҳангарон МТСи	13,3	42,1	Даянаев	Ёқубов
42.	2-нчи Ховос МТСи	5,7	14,7	Киселев	Рогачев

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 17 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,03	110,07	Сирдар'ё	0,08	103,15
Ховос	—	108,50	Пискент	0,02	102,58
Гулистон	0,06	108,39	Бекобод	0,38	101,42
Оржоникидзе	—	107,82	Ўртачирчиқ	0,04	100,41
Оҳангарон	—	106,36	Бўка	0,03	101,39
Октябрь	0,06	106,00	Верхне-волинск	0,02	100,37
Калинин	0,08	105,37	Чиноз	0,06	100,08
Мирзачўл	0,06	104,49	Оққўрғон	0,14	97,98
Янгийўл	0,05	104,40	Қуйичирчиқ	0,21	92,76
Юқоричирчиқ	0,03	103,54	Боёвут	0,27	85,61

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 17 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	—	107,31	3-нчи «Далварзин»	0,30	91,25
16-нчи совхоз	0,19	98,84	1-нчи «Боёвут»	0,41	88,30
«Малик»	0,24	97,82	Кўқорол	—	85,15
1-нчи «Далварзин»	0,45	95,43	3-нчи «Боёвут»	0,46	82,25
17-нчи совхоз	0,37	94,12	3-нчи Вревский	—	77,10
«ЎзССР бешиллиги»	0,21	92,76	2-нчи «Боёвут»	0,27	76,25
2-нчи «Далварзин»	0,67	91,61	10-нчи совхоз	—	74,80
			4-нчи «Боёвут»	0,13	70,33

☆

Пландан ташқари 120 тонна пахта

Каганович номли колхоз бирнеча йилдан бери давлат пахта тайёрлаш планини бажараолмай. Мирзачўл районидаги энг қолоқ ва камқувват колхозлар қаторига тушиб қолган эди. Колхоз а'золари бу йил ишбилармаҳ, пахтачиликда анчагина тажрибага эга бўлган ўртоқ М. Усмоновни раис, ўртоқ А. Мамасолиевни партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар. Колхоз раҳбарларининг янги состави колхозда меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ишлабчиқаришга тўғри раҳбарликни та'минлади. Колхоз а'золари механизаторлар билан биргаликда 592 гектар ерга чигитни янги, прогрессив усулда квадрат-уялаб ва тор-қаторлаб экдилар. Ғўза парвариши механизация кучи билан ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилди. Натижада меҳнат ўтган йилдагидан кам сарфланиб, ҳосил мўл бўлди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти дала ишларини, айниқса пахта йиғим-теримини даврида яхши уюштирди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахта йиғим-терининг муваффақиятли ўтишини та'минламоқда. Колхоз а'золари партиямиз XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақага қўшилиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан анча олдин бажардилар. Улар ҳозиргача жонажон Ватанимизга пландан ташқари 120 тонна пахта топширишга эришдилар.

— Биз бу муваффақиятларимиз билан мағрурланмаймиз, — деди колхоз раиси ўртоқ Усмонов, — даламизда ҳали ҳосил бор. Жонажон Ватанимизга яна 100 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдик. Биз ана шу мажбуриятимизни шараф билан бажариш ҳамда келгуси йил мўл ҳосили учун пахта замин ҳозирлаш тадбирларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз.

Х. САГИЗОВ.

Янада мўл ҳосил етиштириш учун

Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхоз а'золари (раиси ўртоқ Пўлатов) бу йил 410 гектар пахта майдонининг ҳар гектарида 33 центнердан ҳосил етиштирди. Пахтани янги прогрессив усулда етиштириш катта ёрдам берди. Масалан: 30 гектар майдонга чигит 45×45, 50 гектар ерга 60×45, қолган 330 гектар майдонга эса 60×60 схемасида квадрат-уялаб экилди.

Чигит барвақт ундириб олинди. Ғўза қатор оралари ўз вақтида сифатли ишланди. Усимлик талабига ва ер шароитига қараб суғорилди. Ғўзалар фақат илдизи орқалигина эмас, балки барги орқали ҳам озиқлантирилди. Ўсув давридаги бошқа ишлар ҳам МТСнинг колхоздаги агрономи ва идғор пахтакорлар маслаҳати билан олиб борилди.

Колхоз а'золари мўл ҳосилни сра нобуд қилмасдан тезда териб олишда ҳам зўр уюшқоқлик кўрсатдилар. Натижада улар пахта топшириш планини ўтган йиллардагидан анча барвақт, ортиғи билан бажаришга эришдилар.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш натижасида колхознинг ва колхозчиларнинг даромадлари ҳам ортмоқда. 1955 йилда колхоз умуман 5 миллион 500 минг сўм даромад қилиб, бундан пахтадан олинган даромад 4 миллион 600 минг сўмни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан, айниқса маҳсулдор чорвачиликдан олинган даромад ҳам анча кўпайди.

Колхоз а'золари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳам жиддий чоралар кўраётирлар. Жумладан колхозда 1956 йил ҳосилини янада ошириш мақсадида пахта майдонларининг ҳаммаси ғўзапоядан тозаланиб, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиниб шудгорланди.

В. ИБРОҲИМОВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Чинакам пойгада қоқилганлар...

Жийрон отни дам йўрғалатиб, дам секинлатиб келаётган барваста гавдали кишига қараб туриб, у бирор муҳим ишга шошилаянти дейсиз, отини секинлатганда эса, манзил узоқ бўлгани учун отини чарчатмасликка ҳаракат қилаётгандек туйилади. Чавандоз бизга колхоз идорасига яқин жойда рўпара келди.

— Сиз ҳам шу колхозданми? — деб сўради ундан қатор тераклар соясида тажанг бўлиб турган ҳамроҳимиз.

— Ҳа, шу колхоздан, — дея энсаси қотган кишидек жавоб берди, Нима гап? Алиқул Сартбоев, — менда ишларинг борми? — деб зарда билан сўраб ҳам қўйди.

— Сиз шошилиб турганга ўхшайсиз. Колхоз раиси қаерда эканлигини билсангиз керак-а?

— Ҳа, биламан, раисимиз кеча Тошкентга кетган эди.

— Сизга йўл бўлсин?

— Ҳа йўл бўлгай. Оҳангарон тарафда улоқ бор деб эшитдим. Шунга шошилаяпман, — ишимиз мих! — деб бармоғи билан ишора қилди-да қамчиси билан этигининг қўнжига бир уриб, отини роса йўрғалатиб, жўнади. У отга яна қамчи босиб кетаётган эди, колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эшпўлатов унга рўпара келиб, қолди... Парторг «отдан туш!» ишорасини қилди-да ўз идорасига таклиф этди.

— Мана бу киши бизнинг энг илғор бригадаларимиздан бири ҳисобланади, — деди ўртоқ Эшпўлатов кабинет эшигини очар экан.

Колхоз партия ташкилотининг секретари кабинетида бригадир билан яна суҳбатни бошлади.

— Ҳозир йиллик планимиз 108 процент бажарилди, — дейди Сартбоев ғурур билан, — колхозда биринчилар қаторидан жой олдик, далада кўсак териш, ғўзапоя юлиш ва шудгорлаш иши ҳам чакки эмас. Ҳозир 110 гектар пахта майдонимизнан 40 гектардан ортиғи шудгор қилинди. Кеча 36 киши кўсак терган эди. Бугун эса теримда 37 киши қатнашмоқда.

— Жуда яхши, тушунарли, — деди ҳамроҳимиз. Энди тўй-тамоша, улоқбозлик денг?!

— Ҳозирча тўй-улоқлар кам бўлиб турибди. Лекин Оҳангарон районида бўлаётган улоқлардан четда қолмаяпмиз, боқувдан чиққан отларни чопиб, тоза ҳумордан чиқаяпмиз.

Шу вақт «Сиз қандай одамсиз, ҳамма ишнинг ҳунигини чиқардингиз-ку», дегандай бригадирга бир хўмрайиб қараб қўйди парторг. Сўнгра бизни қаердадир қизиб турган ўтиришга таклиф қилди.

— Йўқ, — деди бояги тажанг шериким, ҳозир биз сиз билан бориб, Алиқул ака бригадасидаги кўсак тераётган колхозчиларни, қисқаси даладаги аҳволни кўришимиз керак. Парторг бригадирга, бригадир эса парторгга қараб қўйди...

Тошкент ва Оҳангаронга қатнайдиган катта асфальт йўл ёқасига жойлашган бу бригада даласида бутунлай бошқача манзарага дуч келдик. Дала шийпонида уюлиб ётган 10 тоннадан ортиқроқ кўсакнинг теришганига роса бир ҳафта бўлибди. Уни чувиб, давлатга топшириш ҳақида эса ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган. Тўғри, далада 20 га яқин киши кўринди. Уларнинг ҳеч қайсиси кўсак териш учун чиққан эмас, ҳаммаси ҳам ғўзапоя ўрмоқда, пешма-пеш боғламоқда. Ана шу ўрилган ва даладаги ғўзапояларда оппоқ очилиб ётган кўсакларни кўрган киши фақат газабланади. Шу қадар мас'улиятсизликка йўл қўйилганки, план бажарилгандан кейин даладаги мавжуд ҳосил ҳақида ҳеч ким ташвишланмаган. Биз Саттор Умаров, Ҳасанбой Жуманов сингари колхозчиларнинг ўрган ғўзапояларидаги кўсакларни аниқладик. Бригадир Сартбоевнинг ўзи Хасанбой Жумановнинг ўрган ғўзасининг бир боғидан 80 кўсакни териб олди. Шу бригаданинг а'зоси Нурмат ота Усмонов ўз эшагини кўсак орасига арқонлаб қўйиб, ҳеч тап тортмай ғўзапоя ўрмоқда.

Далада ана шундай ҳолни ўз кўзимиз билан кўрганимизда ўртоқ Сартбоевнинг тинали тўй-тамошаларни бошлаб юбордилар.

Айниқса кейинги вақтда ишчи кучларининг далага чиқиши сусайиб кетди. Агар колхоз секретарининг кундалик сводкасига назар ташласак, ҳар куни 360—370 киши далада ишлаяпти деб кўрсатилади. Аслида эса, 500 киши дала ишларига қатнашиши керак. Оз бўлса ҳам терилган кўсакларни чувиш, уни давлатга топшириш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Мавжуд пахта майдонидан ҳозиргача 300 гектар ердаги ғўзапоя йиғиб олиниб шудгорланган, холос. Йиллик пахта тайёрлаш давлат планини шу вақтгача бажармай келаётган Абдуқодир Бойматов бошлиқ бригаданинг 50 гектар ердаги кўсак шу вақтга қадар териб олинмаган. Бригаданинг дала шийпонида 50 тоннадан ортиқ кўсак бўлишига қарамай, охирги ўнкунликда 1,5 процент миқдорида пахта топширилган. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Мўминов шу бригадада табельчилик қилади. Лекин бригададаги юз бераётган ана шундай жиддий нуқсонларни яширишга уриниб, Бойматов билан ўринсиз равишда муросасозлик қилиб келмоқда.

— Нобудгарчиликка қарши курашни агрономлардан Ким Анатолий ва Ризоқулов ўртоқларга юклатганмиз, — дейди ўртоқ Эшпўлатов.

Аслида эса бундай эмас. Серқатнов йўллардаги, уватлардаги ва ана шу агрономлар томонидан акт қилинган ғўзапоялардан ҳар куни бирнеча центнер пахта териб топшириш мумкин. Агар бригадалар дала шийпондари атрофида йиғилиб ётган кўракларни чувишни ташкил қилсалар колхоз бўйича ҳар куни 0,5 — 0,6 процент миқдорида пахта топшириш имконияти бор. Бунинг ўрнига 0,01—0,02 процент пахта топширилмоқда.

Ворошилов номли колхозда ғўзапоялар кўракларидан яхши тозаланмасдан юлиб олинмоқда. Колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Алиқул Сартбоев Ҳасанбой Жумаевнинг ўрган ғўзасининг бир боғидан 80 кўракни териб олди...

Ўртачирчиқ 1-нчи МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган Ким Мен Нам, Трубицин ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларидаги 5 та ҳайдов трактори, 5 та универсал шу кунларда узлуксиз дала ишларини бажариши керак. Лекин МТС ва колхоз томонидан уларга нисбатан талабчанлик бўлмаганлиги сабабли кундалик белгиланган норманинг ярми ҳам бажарилмаётир. Ҳайдалаётган ерлар эса жуда сифатсиз. Айрим бригадалардаги кўсаги йиғиб олинган ғўзалар корчовка қилинмаётир.

Шундай қилиб, Ворошилов номли колхозда кузги ва қишки тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. Колхоз раиси Киргизбоев ва партия ташкилотининг секретари Эшпўлатов ўртоқлар эса «план 100 бўлгандан кейин бу томони ўз-ўзидан ҳал, бугун бўлмаса, эртага дўндириб юборамиз» деган зарарли кайфиятга берилиб кетганлар.

Улар улоқ-пойгасига печанг бўлсалар ҳам чинакам пойга — ҳосилни тезроқ йиғиб олиш учун бораётган пойгада қоқилиб қолмоқдалар...

Буни кечириб бўлмайди!

Х. ТУРАЕВ,
А. КАРИМОВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Одамнинг узоқ умр кўриши

Ҳарбир киши умр бўйи соғлом, ишчан ва қувноқ яшашни, узоқ йиллар бардам, тетик ҳаёт кечиришни истайди. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини сақлаш, умрни узайтириш ва барвақт қариликнинг олдини олиш учун ҳамма шароит мавжуд. Сон-саноқсиз медицина илмий-текшириш институтлари, поликлиникалар, касалхоналар, туғриқхоналар, дам олиш уйлари ва санаторийлар совет киши.ларининг соғлом ўсиши учун хизмат қилмоқда.

Ўз соғлигини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш учун ҳарбир совет граждани қулай имкониятларга эга. Бунинг учун фақат физиология фанининг ютуқларидан фойдаланиб, тўғри режимни сақлайбилиш керак. Умрни узайтириш ва соғлиқни сақлаб қолиш проблемаси устида қатор илмий-текшириш институтлари ва отоқли совет олимлари жиддий иш олиб борюқдалар. Бу соҳада академик Богомолец, профессорлардан Нагорний, Френкель, Петрова ва Сталин мукофотининг лауреати Ольга Борисовна Лепишинскаянинг қилган ишлари диққатга сазовордир.

Табиатда тириқ организм абадий яшамайди. Ўсиш, қариш ва ўлиш — яшашликнинг қонунидир. Лекин одамнинг умрини узайтириш, унинг ишчанлик қобилиятини узоқ вақт сақлаб қолиш масалалари устида совет медицинаси катта ютуқларни қўлга киритди. Узоқ ўтмишдан мерос бўлиб қолган ва аҳолини қисқа вақт ичида касаллантиручи чечак, вабо, тиф эпидемиялари бизнинг мамлакатимизда бутунлай тугатилди, безгак ва венерик касалликлар жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб қолди.

Совет медицинаси фанининг ютуқлари ассосида медицина саноати томонидан етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар совет кишиларининг ҳаётини сақлаб қолмоқда.

Капиталистик мамлакатларда эса аҳвол бутунлай бошқачадир. Масалан, профессор Нагорнийнинг ҳисоби бўйича капиталистик мамлакатларнинг ҳаммасида йилига 32 миллион аҳоли касалликдан бевақт ўлиб туради. Америка Қўшма Штатларидаги негр аҳолиси ичида эса ўлим оқ танли аҳолига қараганда уч марта ошиқдир. Бунга сабаб капиталистик мамлакатларда халқ моддий аҳволи ва турмуш-даражасининг ёмонлиги, қашшоқлик натижасида келиб чиқадиган турли юқумли касалликларнинг кўплиги ва меҳнаткашларнинг оғир эксплуатация қилинишидир.

Киши ҳаётининг табиий узоқлиги ба'зибир олимларнинг кўрсатишича 150 йилга баравардир. Лекин, бевақт ўлимга олиб келучи сабаблар — турли касалликлардир. Ўз соғлиги устида бегамлик—ҳархил касалликларга олиб келиши мумкин. Улуғ рус физиологи Павлов биз тартибсизлик, бепарволик натижасида ўз ҳаётимизни қисқартиб қўямиз, деб айтган эди. Павлов кўпинча «Мен 100 йилгача яшашни хоҳлайман. Шу мақсад учун кескин курашаман» — дер эди. У 86 йил яшади. Ўз ҳаётининг охирги кунларига қадар тинмай-ҳормай ишлади. Ҳарбир киши ўз соғлигини сақлаб қолиш учун гигиена асосларини ва касалликдан сақланиш усулларини билиши керак.

Ба'зибир кишидар медицинанинг даволаш ролига қаттиқ ишонадилар-да, саломатлик учун энг муҳим шарт бўлган физкультура ва спорт, соф ҳаво, тўғри уюштирилган меҳнат ва дам олиш фактларига яхши э'тибор бермайдилар. Яхши уюштирилган меҳнат кишининг нерв системасини мустаҳкамлайди ва соғлиқни сақлашда асосий роль ўйнайди. Меҳнат соғлиқнинг манбаидир. Узоқ умр кечириш масаласи билан кўп шуғулланган олимлардан Гуфеланд «бирорта ҳам ялқов узоқ умр кўрган эмас, актив турмуш кечирган кишиларгина узоқ яшаган» — деб ёзади. Бекорчилик, зерикиш одамларнинг жисмоний ҳолатига ҳам, ма'навий ҳолатига ҳам та'сир этиб, қариликнинг яқинлашувини тезлатади.

Меҳнатнинг икки хили — жисмоний ва ақлий меҳнат бизга узоқ вақтлардан бери ма'дум. Жисмоний меҳнат организмдаги мускулларда актив ўсучи биохимик процесслар билан боғланган бўлса, ақлий меҳнат олий нерв системасининг фаолияти натижасида келиб чиқадиган маҳсулотдир.

Ба'зи кишилар бу икки хил меҳнатни турмушда бир-биридан айириб қўядилар. Натижада ақлий меҳнат билан шуғулланучи кишилар жисмоний меҳнатдан четланиб қоладилар. Бу ба'зи касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Юрак мускули ишлашининг бузилиши, бувасил, подагра, узоқ давом этучи, ичак касалликлари, жигарўт йўли касалликлари мускул тўқимасининг сусайиши натижасида келиб чиқади. Шу сабабли ақлий меҳнат билан шуғулланучи кишилар жисмоний меҳнат билан ҳам мунтазам равишда шуғулланиб туришлари керак. Жисмоний ҳаракатлар, физкультура машқлари модда алмашувини кучайтиришда, демак, умрни узайтиришда катта роль ўйнайди.

Ақлий меҳнат натижасида чарчагандан сўнг жисмоний меҳнатга ёки спортга ўтиш яхши натижалар беради. Бу жисмоний меҳнат очиқ ҳавода ўтказилиши керак. Ўз-ўзидан ма'лумки, меҳнат мақсадсиз бўлиши керак эмас. Павлов 80 ёшга қадар велосипед спортига қатнашар, ўзининг боғ тротуарини қордан тозалар эди. Бу нарса унга жуда ёқимли туйғу берар эди. Лев Толстой умрининг охиригача отда юришни машқ қилар эди. Владимир Ильич Ленин спортнинг турли хили билан шуғулланишни севар эди.

Академик Богомолец бақувват қарилик билан курашиш учун жисмоний меҳнатнинг турли хилларини тавсия этади. Физкультура тана ҳужайраларидаги модда алмашув процессларини нормаллаштиради ва нерв тўқимасига дам бериб, меҳнат қобилиятини оширади. Ўз соғлигини сақлаб қолишни истаган ҳарбир киши ярталаб 15—20 минут гимнастика билан шуғулланиши, кунига бирярим — икки соат ёёв юриши керак. Ёёв юриш пайтида ўпкадан нафас чиқариш фазасини узайтиришга ҳаракат қилиш маслаҳат берилади. Я'ни 2—3 қадам қўйганда нафас олиш, 4—5—6 қадам давомида нафас чиқариш керак. Бу ҳолатда чўқур ва тўғри олинган ҳаво саломатлик учун жуда фойдалидир.

Айрим кишилар орасида физкультура ўрта ёшдаги ва кекса кишилар учун зарар келтириши мумкин деган фикр тарқалган. Бу бутунлай нотўғридир. Ҳарбир киши физкультура билан шуғулланиши керак, бу ҳамма ёшдаги кишилар учун фойдалидир.

Кишининг ишчанлик қобилиятини сақлаб қолиш ва умрини узайтириш учун овқат исте'мол қилиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Овқатни ма'лум миқдорда ва ма'лум вақтда исте'мол қилиш сифатли овқатланиш қоидасини ташкил қилади. Овқатни кўп миқдорда исте'мол қилиш заарлидир. Бу тўғрида қадим грек философи Сократ «биз овқатланиш учун яшамаймиз, балки яшаш учун овқатланамиз» деб тўғри айтган. Ортиқча овқатланиш натижасида томир касаллиги — артериосклероз, гипертания касалликлари келиб чиқади. Баданда ортиқча ёғ тўпланади ва организм тезда қарийбошлайди. Кишн исте'мол қиладиган озиқ-овқат моддалари таркибида етарли миқдорда оқсил, ёғ, корбонсув, минерал тузлар ва витаминлар оулиши керак.

Оқсил моддалар организм учун жуда зарур ҳисобланади. Оқсил моддалар ҳўжайраларда парчаланганда сўнг ўзидан иссиқлик чиқазиб, энергия берадилар. Табиатда ҳайвон ва балиқ ва ўсимлик оқсили учрайди. Ҳайвон ва балиқ гўшти, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, картошка, гурунч, ловия ва нўхат таркибида кўп оқсил бор. Оқсил моддалари кам исте'мол қилинса организм ўсмай қолади, кишининг ишчанлиги қамаяди.

Озиқ-овқат таркибидаги ёғлар парчаланган вақтда оқсил ва карбонсувга нисбатан икки ярим мартаба кўп иссиқлик чиқаради. Шунинг учун ҳам ёғ тери остига, ички органларнинг атрофига, қорин бўшлиғига йиғилиб, организмга турли сабаблар билан озиқ-овқат тушиши камайган вақтда сарфланади. Ҳайвон ёғининг составида холестерин деган модда бор. Ҳайвон ёғи кўплаб исте'мол қилинганда қонда холестеринининг миқдори ошади. Натижада артериосклероз мускулининг инфаркти, гипертания касалликлари келиб чиқади. Бу касалликларнинг олдини олиш учун ўз нормал оғирлигидан ошган кишилар ҳайвон ёғини исте'мол қилишни даҳол тўхтатишлари ва холестерн моддаси оз бўлган ўсимлик ёғига ўтишлари керак. Овқат таркибида кўрсатиб ўтилган продуктлардан ташқари минерал туз ва витаминларнинг бўлиши шарт.

Минерал тузлар сут, сабзавот, мева ва сокларда жуда кўп миқдорда бўлада. Витаминларнинг танада камайиб кетиши натижасида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Кишининг ёши улғайиши билан организмда витаминларнинг миқдори камаяди. Шунинг учун организмни витаминлар билан тўйинтириб туриш керак. Қиш мавсумида овқат моддаларида витаминларнинг миқдори камайгани учун аптекада тайёр сотиладиган витамин дрожеларидан фойдаланиш мумкин. Исте'мол қилинадиган озиқ моддаларининг ичида сут ва сут маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади. Қатиқ, творог, кефир, қимиз ичакни зарарли микроблардан тозалайди. Шунинг учун систематик равишда эрта билан 1—2 стакан ичилган қатиқ, кефир умрнинг узайишига ёрдам беради.

Ўз вақтида уюштирилган дам олиш соғлиқни сақлашнинг энг муҳим гаровидир. Яхши дам олган кишида ишнинг унуми ҳам яхши бўлади. Дам олмасдан чарчаган кищи касалликка тез-тез чалиниб туради. Якшанба кунидан тўғри фойдаланабилиш керак. Боғда ёки экинзорда ишлаш, шаҳар атрофига чиқиш, балиқ ёки қуш ови энг яхши актив дам олиш ҳисобланади. Уйин-кулги ва кўнгил очиш организмни соғайтиради ва барвақт қариликнинг бошланишига йўл қўймайди. Бизда ҳарбир совет граждани ҳафтада бир марта дам олишдан ташқари ҳар йили бир марта узоқ дам олиш ҳуқуқига эга.

Биз киши соғлиги учун аҳамияти бўлган уйқу тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Халқ ўртасида «уйқу табиатнинг энг яхши таомидир» — деган сўз юради. Узоқ вақт давом этган бедорлик ва кам ухлаш нерв системасини чарчатади. Натижада организм заифлашади ва турли касалликларни келтириб чиқаради.

Соғлом одам учун 7—8 соатлик уйқу етарлидир. Дам олиш кунлари 9—10 соат ухлаш маслаҳат берилади. Ҳарбир киши ма'лум бир вақтда ётиб ва бир вақтда уйғонишни ўзига одат қилиб олса, жуда яхши режим бўлар эди. Барвақт ётиб, барвақт уйғониш анча фойдалидир.

Демак, тўғри уюштирилган меҳнат ва дам олиш, физкультура, тўғри ва систематик равишда овқатланиш ҳарбир кишининг соғлигини сақлайди ва умрини узайтиради, аксинча ҳаддан ташқари чарчаш, нотўғри ва системасиз, пала-партиш овқатланиш, меҳнат ва дам олишни нотўғри уюштириш, оғир кечиринмалар, қайғу-ҳасрат гам-ғусса ва қўрқиш — буларнинг ҳаммаси кишини тезда қаритади.

Совет олимлари кишиларнинг соғлиги ва узоқ умр кўриши учун курашмоқдалар. Кундан-кунга яшнаётган бепоён мамлакатимизда кишиларнинг узоқ умр кўришлари ва соғлом қаришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилгандир.

Совет кишилари ўз ҳаёти ва меҳнатидан жуда мамнун. Улар кишиликнинг бахт-саодатли келажаги — коммунизм учун ҳормай-толмай курашмоқдалар.

Т. МИРЗАЕВ,
В. М. Молотов номидаги Тошкент давлат медицина институтининг аспиранти.

Бугун—Тошкентда адабиёт куни

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Углавкниготорг блан биргаликда бугун «Адабиёт куни» ўтказади. Адабиёт кунида Тошкент шаҳрининг Карл Маркс кўчасидаги 1-нчи, Октябрь бозоридаги 3-нчи, Кафанов кўчасидаги 9-нчи китоб магазинларида Ўзбекистон Совет ёзувчилари ҳам бўлиб, китобхонлар блан бевосита алоқа қиладилар, уларни ўзларининг янги асарлари блан таништирадилар, ўз ижодий планлари ҳақида сўзлаб берадилар ва харидорларнинг истаклари бўйича ўз китобларига автографлар ёзиб берадилар.

Адабиёт кунида Уйғун, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, С. Бородин, С. Волгин, М. Шевердин, Раҳмат Файзий, Тироб Тўла, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий, Собир Абдулла, Мамарасул Бобоев, Ил'ёс Муслим, В. Мильчаков, Б. Пармузин, Шукур Са'дулла, Қудрат Ҳикмат, А. Иванов, Назармат, В. Костиря, В. Липко, С. Абдуқаҳҳоров ва бошқа шоир ҳамда ёзувчилар иштирок этадилар.

Адабиёт кунида пойтахтимиздаги китобхонлар ёзувчилар блан бевосита алоқада бўлиб, улар блан суҳбатлашадилар, ўз истак ва орзуларини айтадилар, ёзувчилар эса кенг китобхонлар оммаси блан янада чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Тамошабинлар блан учрашувлар

(Мухбирларнинг хатларига обзор).

Яқинда Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрининг ташкил этилганига 35 йил тўлади. Ҳамза номли театрнинг 35 йил ичида босиб ўтган шонли йўли театр саҳнасида социалистик реализм принципларини ўрнатиш, мамлакатда коммунистик жамият қураётган голиб совет кишиларининг ёрқин образларини яратиш ишлари блан чамбарчас боғлангандир.

Ҳамза номли театр ўзининг ташкил топган кунидан бошлаб, шу кунгача бўлган фаолиятида катта-катта муваффақиятларга эришди ва халқимизнинг севимли театрига айланиб қолди.

Театр коллективи театрнинг 35 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўриб, тамошабинлар блан учрашувлар ва конференциялар ўтказмоқда. Яқинда театр артистларидан бир группаси В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг мажлислар залида студентлар блан учрашув ўтказди. Учрашувда СССР халқ артисткаси, Сталин мукофоти лауреати Сора Эшонтўраева, республика халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Одим Хўжаев, режиссёр Тошхўжа Хўжаев ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Учрашувда Т. Хўжаев «Театрнинг 35 йиллик ижодий йўли» ҳақида мазмунли доклад қилди.

Учрашувда сўзга чиққан филология фанлари кандидати, доцент С. Назруллаева, студентлардан Каримова, Исломова ва Йўлдошевлар театр коллективини юбилей муносабати блан табриклаб, ижодий ишларида уларга катта муваффақиятлар тиладилар. Учрашув охирида С. Эшонтўраева, О. Хўжаев, З. Ҳидоятова, Қ. Хўжаев, Х. Хўжаевалар иштирокида Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», В. Шекспирнинг «Отелло», «Гамлет», Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» асарларидан парчалар кўрсатилди. Бу ҳақда мухбирлардан **Т. Қамчиев, С. Раҳимов, Б. Юсупов, Н. Йўлдошев, Р. Мелибоев** ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Театр ижодий коллективининг Островский номидаги Тошкент театр-бадиий институтининг профессор-ўқитучилари ва студентлари блан ўтказилган учрашуви тўғрисида **С. Усмонов**, «Ёш гвардия» кинотеатрида артистларнинг ёш тамошабинлар блан учрашуви ҳақида **З. Қодиров**, Ҳамза номли театр биносида ўтказилган тамошабинлар конференцияси тўғрисида **А. Абдуқодиров** ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

Мухбирларнинг хатларида артистларнинг ўз маҳоратларини оширишда жиддий ютуқларга эришганликлари, ижодий коллективнинг муваффақиятлари айтилади.

Театр коллективининг юбилей олдидан ўз тамошабинлари блан ўтказаётган учрашув ва конференциялари театр фаолиятида йўл қўйилаётган нуқсонларни тугатишга катта ёрдам беради. Учрашув ва конференцияларда жамоатчилик томонидан коллектив адресига айтилаётган ҳақли талаб ва мулоҳазалар сан'аткорларимизнинг ижодий ўсишларида муҳим роль ўйнайди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ЎҚУЧИЛАР З'ТИРОЗИ КЕЛАЁТГАН МАШИНА КОЛХОЗ КЛУБИ ЁНИГА КЕЛИБ ТЎХТАДИ

Шамолдек учиб келаётган машина колхоз клуби ёнига келиб тўхтади. Машина ичидан чиққан йигит клуб деворига кино афишани ёпиштирди-да, яна машинага ўтириб, район маркази томон жўнаб кетди. Бу пайтда биринчи смена ўқучилари мактабдан қайтмоқда эдилар. Ўқучилардан бири югуриб келиб афишани ўқиди-ю, ҳавасласи пир бўлиб, ўртоқлари олдига қайтиб келди.

— Қанақа кино қўйилар экан? — деб сўрашди болалар бараварига.

— Яна ўша-ўша. Катталар учун. «Княз қизи Мэри» деган кино экан. — жавоб берди халиги бола.

— «Ёш гвардия», «Зоя», «Александр Матросов» деган фильмлар сра келмас экан-да, — деди болалардан бири норози бўлиб.

Ҳақиқатан ҳам ўқучиларнинг э'тирозлари тўғри.

Қорасув район Маданият бўлими колхозларга тез-тез кўчма киноустановкани юбориб турса ҳам, доим катталаргa мўлжалланган фильмлар намойиш қилинади. Район мактабларида ўқийдиган кўпсонли кичик гражданларга мос фильмлар деярли кўрсатилмайди. Ваҳоланки, ёш ўтил ва қизларни меҳнатга муҳаббат, она-Ватанга садоқат, дўстлик ва ўртоқлик, коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга қаратилган ажойиб совет кинофильмлари бор. Бу фильмларни ёшларга кўрсатиб туриш, бизнинг келажагимиз бўлган болаларни тарбиялашда ижобий натижалар беради.

Қорасув район Маданият бўлими жойларда болаларга мўлжалланган фильмларни тез-тез кўрсатиб туриши керак. Райондаги мактаб ўқучиларининг қат'ий талаби шу.

М. КАРИМОВ,
Қорасув районидаги 20-нчи мактаб ўқитучиси.

БОЛАЛАР КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ БЛАН САВДО ҚИЛИШ ЯХШИЛАНСИН

Болаларнинг кўнглини ҳуш қилмасанг ҳеч хурсанд бўлмайсан кишим. Ўзимга янги туфли олиб жуда хурсанд бўлдим, лекин уйга келгач, бу қувончим татимади. Болаларнинг ҳаммаси бир оғиздан «менгачи, менгачи» деб жуда гаранг қилишди. Болаларимнинг талабини ҳам қондириш мақсадида магазин томон йўл олдим.

Мана шундан бери қарийб бирярим ой ўтди, лекин Калинин район матлубот жамиятига қарашли магазинларнинг бирортасидан 21—24 ва 26-нчи размерли болалар туфлисини топаолмадим. Ажабо, нима учун район матлубот жамияти (раиси Муҳиддинов, савдо бўлимининг бошлиғи Муслимов ўртоқлар) болалар кийими блан савдо қилишга э'тибор бермайдилар?!

Матлубот жамияти район аҳолисига кенг исте'мол молларини етказиб бераолмаётир, савдо ишини харидорларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва уни та'минлаш асосида олиб бормаётир. Шу сабабли ҳам у ноябрьда товар обороти бўйича планни атиги 70 процент бажарди. Район матлубот жамияти болалар кийим-кечакари блан савдо қилиш ишини қачон яхши йўлга қўяди?

А. ТУРҒУНОВ,
Калинин район медицина ходимлари касаба союзининг раиси.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Афғонистонга келганликлари тўғрисида афғон газеталарининг ёзганлари

КОБИЛ, 16 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кобил газеталари СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг ва СССР Олий Совети Президиуми а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Афғонистонга келишларига бағишлаб бирқанча мақолалар босиб чиқардилар.

«Ислоҳ» газетаси Совет Иттифоқи ва Афғонистон давлат арбобларининг учрашувлари иккала мамлакат ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган дўстона муносабатларни, системалари турлича бўлган мамлакатларнинг дўст бўлиб яшашлари мумкинлигини тасдиқлайдиган бу муносабатларни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, деб та'кидлайди.

Икки мамлакатнинг — Афғонистон блан Совет Иттифоқининг дўстона алоқалари, деб ёзади. «Ислоҳ» газетаси, — узоқ вақтдан бери давом этиб келмоқда. Бундан 37 йил муқаддам, Афғонистон фидокорона кураш натижасида сиёсий мустақилликка эришган вақтда Совет Иттифоқи бизнинг мамлакатимизнинг мустақиллигини ҳамма мамлакатлар орасида биринчи бўлиб расмий равишда таниган эди. Ўша вақтдан бери иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий ва дўстона алоқалар янада мустаҳкамланди. Ҳар иккала мамлакат шу икки мамлакатнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши манфаатларини кўзлаб, халқаро тинчликни мустаҳкамлашга интилди.

Қўшни мамлакатнинг раҳбарлари Афғонистонга келаётган ҳозирги вақтда биз уларнинг визити икки мамлакат ўртасида мавжуд дўстона муносабатларни янада кўпроқ кенгайтиришига, бу муносабатларни яхшилашига ва мустаҳкамлашига аминмиз.

Совет Иттифоқи Афғонистонга унинг экономикаси эҳтиёжларини ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган бошқа эҳтиёжларини қондириш ишида диққатга сазовор бўлган қимматли ёрдамни бериб келди ва шундай ёрдамни бермоқда. Қўшнимиз ва дўстимиз Совет Иттифоқининг ёрдами самарали ёрдамдир.

«Ислоҳ» газетаси Афғонистоннинг бошқа мамлакатлар блан бўлган ўз муносабатларида халқаро тинчлик ва тотув яшаш принципларига асосланганлигини та'кидлаб, Афғонистон буюк мамлакатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг ёрдамисиз ўз экономикасини самарали равишда ривожлантираолмайди, деб уқтириб ёзади. Бу жиҳатдан, деб кўрсатади «Ислоҳ» газетаси, Совет Иттифоқининг ёрдами самимий ва дўстона муносабатларнинг намунасидир.

Биз азиз меҳмонларимизнинг келишини чин қалбимиздан табриклаймиз ва бу учрашув Афғонистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши муносабатларни янада кўпроқ мустаҳкамлашини, истаймиз.

Дўстона қўшни давлатнинг отоқли раҳбарларининг Кобилга келиши, деб ёзади «Анис» газетаси, иккала мамлакатимизнинг ўзаро самимий дўстлигини кўрсатучи янги далилдир, дўстона яхши қўшничилиқ муносабатларининг ажойиб ифодасидир.

Кобилда чиқадиган газеталарнинг ҳаммаси Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг портретларини ҳамда уларнинг биографияларини босиб чиқардилар.

«Иқтисод» газетасининг биринчи саҳифасида катта ҳарфлар блан қуйидаги шиор босилган: «Совет Иттифоқи раҳбарларининг Афғонистонга келиши Афғонистон блан унинг шимолий қўшниси ўртасида сўнгги чорак аср даврида мустаҳкамланган дўстона, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантириш ишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз».

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ ВАКИЛИНИНГ СОВЕТ-АМЕРИКА САВДОСИ ҲАҚИДАГИ БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА

Юнайтед Пресс берган хабарга қараганда, АҚШ Давлат департаментининг вакили яқинда Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари блан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо-сотиқ тўғрисида баёнот берган.

Бу вакилнинг айтишига кўра, Женевада 13 ноябрьда бўлган ғайри-расмий суҳбат вақтида АҚШ давлат секретари Д. Ф. Даллес В. М. Молотовга айтганки, АҚШ блан Совет Иттифоқи ўртасида нормал савдо-сотиқ ишлари перспективаси, айниқса Америка қишлоқ хўжалик маҳсулотлари соҳасида кенгдир, лекин у, Даллес, «нормал типдаги савдо» блан «стратегик товарлар савдоси қилиш» ўртасида тафовут бор деб билади, чунки Қўшма Штатлар стратегик товарлар блан савдо қилишни пухта ва қаттиқ контроль қилиб туради.

Ўша ҳабарга мувофиқ, АҚШ ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишнинг бирон йўлларини қидирмоқда, шу блан бирга, Совет Иттифоқи бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини сотиб олади, деб умид қилмоқда.

Ма'лум бўлишича, Д. Ф. Даллес блан В. М. Молотов ўртасида 13 ноябрьда Женевада бўлган суҳбатда ҳақиқатан ҳам Совет-Америка савдоси ҳақидаги ва ҳозирги вақтда бу савдонинг ғайри-табиий аҳволда эканлиги тўғрисидаги масала тилга олинган.

Совет томонидан шундай деб кўрсатилганки, мамлакатлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш зарурлигини ҳамма э'тироф қилмоқда. Бу эса халқаро савдо-сотиқда нормал шароитларни тиклашга айниқса тааллуқлидир. Шу сабабдан бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш сингари хусусий воқиа тўғрисида гапирмасдан, балки халқаро савдо-сотиқни, жумладан АҚШ блан СССР ўртасидаги савдони ривожлантириш йўлида кейинги йилларда вужудга келтирилган ғовларни йўқотиш тўғрисида гапириш керак эди. Шу вақтда савдо алоқалари кўнгилдагидек ривожланади.

Ма'лумки, Совет Иттифоқи кўп мамлакатлар блан савдо-сотиқ ишлари олиб бормоқда, турли товарларни, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам сотиб олмоқда, шунингдек ўз товарларини бошқа мамлакатларга сотмоқда. Бу савдо тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосларида олиб борилмоқда.

Ма'лумки, СССР блан АҚШ ўртасида 1937 йилда савдо битими тузилган эди. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ нормал шароитларда ривожланиб борган ва анча катта ҳажмларга етган эди. Бироқ, бундан бирнеча йил илгари Америка Қўшма Штатлари бу Совет-Америка савдо битимини бекор қилди. Бундан ташқари, АҚШ томонидан бирқанча дискриминацион чоралар кўрилганлиги халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш йўлида катта ғовларни вужудга келтирди.

АҚШ Давлат департаменти вакилининг юқорида келтирилган баёноти ана шу ҳаммага ма'лум фактларни тилга олмайди. (ТАСС).

Совет ва швед ҳарбий кемаларининг бир-бирларига қиладиган визитларига доир

Совет ва швед ҳарбий кемаларининг келгуси йилда бир-бирларига айни бир вақтда дўстона визит қилиб боришлари тўғрисида СССР ҳарбий-денгиз қўмондонлигининг вакиллари блан Швеция вакиллари ўртасида битимга келинди.

Шу битимга кўра, совет ҳарбий кемалари отряди 1956 йил 3 августдан 7 августгача бўлган даврда Гетеборг шаҳрига боради, швед ҳарбий кемалари отряди эса шу вақтда Рига шаҳрига келади. (ТАСС).

Бош Ассамблеянинг X сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 16 декабрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кеча эрталабки бўлган ялпи мажлисида янги қабул қилинган 11 давлатнинг вакиллари сифатида бу давлатларнинг БМТ ҳузуридаги собиқ доимий кузатучилари ёки АҚШдаги дипломатлари қатнашдилар. Венгриядан — Вашингтондаги вакил Кароль Сарка, Руминиядан— маслаҳатчи Константин Димитракеску қатнашдилар. Албания, Болгария, Непал, Камбоджа ва Лаос вакиллари Бош Ассамблея мажлисида қатнашмоқ учун АҚШга келиб улгурмадилар.

Бирқанча делегатлар 16 давлатни БМТга қабул қилиш тўғрисида овоз бериш мотивлари юзасидан сўзга чиқдилар. Сўзга чиққанларнинг катта кўпчилиги БМТга янги а'золар қабул қилиш масаласида кўп йиллардан бери давом этиб келган мушкулликнинг бартараф қилинганлиги муносабати блан мамнуният билдирди. Бирқанча делегатлар бунда 16 давлатни қабул қилиш тўғрисида таклиф киритган Совет делегациясининг алоҳида роль ўйнаганлигини уқтириб ўтдилар. Ироқ вакили Жамолий бундай деди: «СССР делегациясининг хизматини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак, унинг кечаги тадбири ана шундай бахтли натижага олиб келди».

Барча халқ демократияси мамлакатларининг БМТга қабул қилинишига қарши вето ишлатмаганлигига афсусланган чанкайшичининг сўзи ҳаммани ғазаблантирди.

Ҳиндистон вакили Кришна Менон ва бошқа бирқанча делегатлар чанкайшичининг қарши овоз берганлиги натижасида Бош Ассамблеянинг 18 давлатни қабул қилиш ҳақидаги иродаси рўёбга чиқмай қолганлигига. Осиёдаги икки мамлакат — Мўғулистон Халқ Республикаси ва Японияннинг БМТга қабул қилинмасдан қолганлигига ҳамда бошқа 16 давлатни қабул қилиш ҳақидаги масалани ижобий ҳал қилдирмаслик учун ҳам уринишлар бўлганлигига Ассамблеянинг э'тиборини жалб этдилар. Бош Ассамблея, деди Менон, бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керакки, БМТдаги вакиллар жаҳондаги реал аҳволни акс этдирадиган бўлсинлар.

Бош Ассамблея кечаги кундузги ялпи мажлисда 4-нчи ва 5-нчи комитетларнинг бирқанча тавсияномаларини ма'қуллади. Суринам тўғрисида ва Антиль оролларининг Голландияга қарашли қисми тўғрисида Голландия томонидан информация топширилиши тўхтатилганлигини аслда тасдиқлайдиган резолюция кўпчилик овоз блан қабул қилинди. Бу резолюцияни ёқлаб 21 овоз, унга қарши 10 овоз берилди, 33 вакил овоз беришда бетараф қолди. Қарши овоз берганлар орасида СССР, Украина, Белоруссия, Венгрия, Руминия, Польша ва Чехословакия ҳам бор.

Бош Ассамблея Эфиопияни ва Италияни чегара ҳақидаги масалани мумкин қадар тезроқ ҳал этиш учун Италия бошқаришида бўлган Сомали блан Эфиопия ўртасидаги чегарани тез вақт ичида демаркация қилиш тўғрисидаги музокараларни тезлаштиришга да'ват этадиган резолюцияни ҳам ма'қуллади.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда ма'мурий тартибдаги ва бюджет ҳақидаги бирнеча таклифлар ҳам ма'қулланди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТАШАББУСИ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ

16 давлатнинг БМТга қабул қилинганлиги тўғрисида Америка матбуотининг ёзганлари

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). Америка матбуоти совет дипломатиясининг ғайрати ва ташаббуси туфайли Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 16 та янги а'зо қабул қилинганлигини қизғин шарҳлаб ёзмоқда. Шу блан бирга матбуот бу масалада совет дипломатияси янги муваффақиятга эришганлигини, Америка дипломатияси эса анча маглубиятга учраганлигини яқиллик блан та'кидлаб ёзмоқда. «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси бундай деб ёзади: «Янги а'золар қабул қилиш масаласида АҚШ ҳозир жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Совет Иттифоқи ташаббусни ўз қўлига олди».

Шу блан бирга Америка матбуотининг қайд қилиб ўтишича, БМТга янги а'золар қабул қилиш тўғрисидаги масаланинг ижобий ҳал этилишига АҚШнинг қувватлаши блан тўсқинлик қилишга уринган чанкайшичининг БМТдан чиқариб юборилишига саноқли кунлар қолди. «Нью-йорк таймс» муҳбири Эйбелнинг ёзишича, Латин Америкаси республикалари, араб ва Осиё мамлакатлари блоки Мўғулистон Халқ Республикасининг қабул қилинишига қарши чанкайшичининг ветони ишлатганлиги учун ма'лум даражада АҚШ мас'ул деб ҳисобламоқдалар.

«Нью-йорк геральд трибюн» газетасининг обзорчиси Липпман, Чан Кай-ши, шубҳасиз, тез орада Ҳавфсизлик Кенгашидаги ўрнидан маҳрум бўлади, деб ёзмоқда. «Унинг БМТдаги мавжуд кайфиятни назар-писанд қилмаганлиги Бош Ассамблеяда Формозанинг а'зо бўлиб туришини сақлаб қолиш йўлидаги уринишларни анча қийинлаштиради».

«Нью-Йорк таймс» газетаси БМТнинг фаолиятида колониализм, иқтисодий ривожланиш ва социал-та'минот масалалари катта ўрин тутажаги муносабати блан нолиб ёзмоқда. Ахир бу масалалар Осиё ва Африка мамлакатлари, шунингдек Латин Америкаси мамлакатлари ғоят манфаатдор бўлган масалалардир.

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, 14 декабрьда АҚШ давлат департаменти БМТга 16 та янги а'зо қабул қилинганлиги ҳақидаги масалани шарҳлашдан бош тортган. Давлат департаментининг вакили Уайт 16 мамлакатни қабул қилиш тўғрисида Ҳавфсизлик Кенгаши 14 декабрь кечқурун ма'қулланган таклиф ҳақида ҳеч нарса айтаолмаганлигини билдирган. Уайт а'золарнинг кўпчилиги Мўғулистон Халқ Республикасини БМТга қабул қилишни ёқлаб овоз бергани ҳолда, Мўғулистон Халқ Республикасининг аризасига нисбатан вето ишлатган чанкайшичининг бу ҳаракатини танқид қилишдан ўзини зўр бериб четга тортган.

Карантин юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш юзасидан тузилган Совет-Хитой Конвенциясининг ратификация ёрлиқлари айирбошланди

1955 йил 16 декабрьда Москвада СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко блан Хитой Халқ Республикасининг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо карантин юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалик ўсимликларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш юзасидан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати блан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган Конвенциянинг ратификация ёрлиқларини айирбошладилар. Бу Конвенция 1955 йил 16 августда Пекинда имзоланган ҳамда СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1955 йил 8 октябрьда ва Хитой Халқ Республикасининг Раиси томонидан 1955 йил 10 ноябрьда ратификация қилинган эди.

Конвенция шартларига кўра, бу Конвенция ратификация ёрлиқлари айирбошлангандан кейин кучга киради. Шундай қилиб, мазкур Конвенция 1955 йил 16 декабрьдан бошлаб кучга кирди.

Ратификация ёрлиқларини айирбошлаш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:

Совет томонидан — СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Шартнома-Ҳуқуқ Бўлимининг Мудири Г. И. Тункин, Узоқ Шарқ Бўлими Мудирининг Ўринбосари В. И. Пелишенко, А. Л. Лаптев, М. С. Калица.

Хитой томонидан — Хитой Халқ Республикасининг СССР даги Элчихонасининг Маслаҳатчиси Вэнь Кин, Савдо Маслаҳатчиси И. Цинь-тан, Иккинчи Секретарь Янь Мин-чжи.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Редакция почтасидан

„Хомларини ажратиб қўйиб, пишганларини еяберинг"

Врач кабинетининг эшиги олдига қўйилган стулда навбат кутиб ўтирган беморнавбати келгач, кабинетга кирди. У иккала қўли блан қорнини ушлаб олган, қомати сал эгилган эди. Беморнинг ҳолатини кўрган врач:

— Ҳа укажон, қорнингиз оғрияптими? — деб сўради.

— Шундай опажон. Уйдан чиққанимда соппа-соғ эдим. Врач беморни текшириб кўргач:

— Нима овқат еб эдингиз? — деди.

— Бундан ярим соатча илгари Ленин кўчасидаги кафета кириб чучвара еган эдим.

— Чучвара яхши пишмаган эканми?

—Еяётганимда хамири танглайимга ёпишиб қолган эди.

— Ахир чучварангиз хом деб официантка айтмадингизми?

— Айтдим. Бироқ у мунча нозик бўлмасангиз, ҳамма индамай еб кетаяптику, танглайингизга хамир ёпишган бўлса, хомларини ажратиб қўйиб, пишганларини еяберинг, — деб ўргатди.

Врач беморнинг сўзларини тинглаб бўлгач, унга дори ичирди, кечгача овқат емасликни буюрди.

Ташхлодокомбинатнинг Тошкент шаҳар, Ленин кўчасидаги кафесида ҳақиқатан ҳам чучвара кўпинча хом пиширилади. Агар сиз бу ерга овқатланишга кириб қолсангиз, чучвара хамири ва ичидаги гўшт тоза пишмаганлиги тўғрисида шикоятларни эшитасиз. Айрим кишилар овқатни охиригача емай ташлаб кетадилар. Бундай аҳвол кафе директори Тагиев, зал мудири Е. Панфилова ва шеф повар Х. Захарова ўртоқларга ма'лум эмас дейсизми?! Уларга чучвара сотилса, савдо плани бажарилса бас. Аммо хўрандалар уни қандай исте'мол қилаётганлари блан қизиқмайдилар, овқатнинг сифатини врач текширмайди, агар кафе директорининг ўринбосари Ғ. Зокиров блан суҳбатлашиб қолсангиз, у сизга:

— Чучваранинг хом ёки пишган бўлиши Ташхлодкомбинатдан бизга юборилган маҳсулотнинг сифатига боғлиқ. Хом чучваранинг хамири ба'зан қалин, ба'зан арпа уни аралашган бўлади, — дейди.

Шу ерда ҳақли бир савол туғилади: чучваранинг хом ёки пишган бўлиши унинг сифатига боғлиқ экан,кафе раҳбарлари Ташхлодокомбинатдан юборилган хамири қалин, арпа уни аралашган чучвараларни нега қабул қилиб оладилар. Чучваранинг ба'зан сифатсиз бўлиши тўғрисида Ташхлодокомбинат директори ўртоқ Арфановга норозилик билдирсалар бўлмайдими? Ахир хўрандалар қачонгача хомларини ажратиб қўйиб, пишганларини ейдилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кафе эшигидан кираверишда спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмаслиги ёзиб қўйилган бўлишига қарамай, хоҳлаган одам енг ичида арақ, вино олиб келиб бу ерда ичаверади. Официанткалар бунга йўл қўймаслик уёқда турсин, уларга стакан олиб келиб берадилар. Ичкилик орқасида кафеда бўладиган тартибсизлик блан уларнинг ишлари ёйилиб кетади.

Кафе директори ўртоқ Тагиев клиентлар э'тирозига сабаб бўлаётган юқоридаги камчиликларни тезда тузатиш чораларини кўриши керак.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, Т. НАЖМИДДИНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да кундуз **Момақалдироқ**, кечқурун **Алишер Навоий**, 20/XII да **Қутлуғ қон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Ромео ва Жульетта.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/XII да **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Хитой циркининг энг кекса устаси **Ван Ю-ли** раҳбарлигида **Хитой халқ аттракциони.** Жаҳон рекордчиси **Григорий Новак гастрольлари.** Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЁШ ГВАРДИЯ» кинотеатрларида — кундуз ва кечқурун кинокомедия **Максим Перепелица.**

НАВОИЙ номли кинотеатрда — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Мардлик мактаби**, кундуз соат 2 дан **Уникинчи туи.**

«РОДИНА», «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» — сеанслар олдидан киножурналлар: 1) **Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Деҳлига келиши, 2) Деҳлида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига митинг.**

«ЁШ ГВАРДИЯ — кундуз соат 2 да **Хайрли сафар.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

19 декабрьда Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Узоқовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

20 декабрьда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа Имомхўжаев**, эстрада солистлари **О. Мирзақулов, Т. Рисметовалар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўқучиларнинг каникул кунларида — 1 январьдан 10 январьгача

Янги йил арчаси

«СИҲРЛИ КАЛЕНДАРЬ».

Автор — **В. Лифшиц.**

Тамошада қатнашадилар:

Литва цирк коллективи.

Инрткич ҳайвонлар.

Ўргатучи — Литва ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Кличес.**

Маймунлар.

Ўргатучи — **В. Моляров.**

Ҳар куни 3 марта тамоша кўрсатилади. Кундузги тамошалар соат 1 ва 4 да, кечкилари — соат 8 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

19 декабрьда — **2 бўлимдан иборат**

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Турсунхон Жа'фарова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Э'тибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Зайнаб Самнева, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов**, солистлардан **Шерали Пўлатов, Тўраева, Муҳиддинова, Иброҳимова, Фаёзова, Валиев** ва бошқалар, халқ чолғу асбобларида **Ашурали Юсупов, Тўхтасинов, Мўллахонов, Маҳмудов, Расулев, Иногомовлар** қатнашди.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Рангли фотоплакатларга

1956 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йил давомида 20 плакат чиқарилади.

Плакатларда ўзбек халқининг республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида партиямиз томонидан берилган директиваларни муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган кураши кўрсатилади.

Ўзбекистон саноатига бағишланган плакатларда оғир индустриянинг муваффақиятлари, рационализаторлар ва ихтиро'чилар, фабрика, завод ва янги қурилишларнинг илғорлари тасвирланади.

Республиканинг қишлоқ хўжалиги, айниқса унинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик: «Қардош республикалар пахтакорларининг мусобақаси», «Энг яхши МТС — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси», «Миллионер колхозда» деган ва бундан бошқа темалардаги плакатларда кўрсатилади.

Плакатларнинг анча қисми республика маданият ва фанининг ютуқларига: колхоз клуби, спортнинг ривожланиши, халқ хўжалигида атом қувватининг қўлланиши, мактаблардаги политехнизация ва бошқа темаларга бағишланади.

Плакатлар ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна почта ва «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 68754. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1673